

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ХУҚУКИЙ ЕТУКЛИК –
БАРКАМОЛЛИККА
ЭЛТАДИ

67
Х-87

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ХУҚУҚИЙ ЕТУКЛИК —
БАРКАМОЛЛИККА ЭЛТАДИ

Тошкент
«Адолат»
2011



УДК: 342(575.1)

ББК 67

Ҳ87

Ҳ87 Ҳуқуқий етуклик — баркамолликка элтади: — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Т.: «Адолат», 2011 й. — 136 б.

ISBN 978-9943-394-11-7

УДК: 342(575.1)

ББК 67

Тузувчилар:

Тўрабек Тўраев, Улугбек Хусаинов, Баҳром Илҳомжонов, Отабек Бобоҷонов, Азиҳон Нодиров

Масъул мухаррир:

Т.Э.Тўраев, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари — вазирнинг матбуот котиби

Тақризчилар:

Л.М.Махмудов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

С.М.Хидиров, Юридик фанлар номзоди, ТДЮИ «Конституциявий ҳукуқ» кафедраси доценти

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда уларнинг конституциявий билимларини мустаҳкамлаш, уларда ҳуқуқий, солик, экологик маданиятни юксалтириш, қолаверса, инсон ҳуқуқлари, уни мамлакатимизда янада мустаҳкамлашни такомиллаштириш борасидаги ислохотларнинг мазмуни, унинг сабаблари ва ушбу ислохотларни ёшларга тушунтириш билан боғлиқ масалаларни ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Ушбу ўқув услубий қўлланма кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

Ў 1201000000 – 011 – 2011
(04) – 2011

ISBN 978-9943-394-11-7

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги «Адолат» нашриёти, 2011 йил.

«Баркамол авлод иили»га бағишиланади

КИРИШ СҮЗИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги вақтда жамият хаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат.

Давлатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ва узокқа мўлжалланган дастурларга асосланган аниқ режалар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан борар экан, бу борада энг устувор вазифалардан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш деб белгилаб олинди. Президент И.А. Каримов таъбири билан айтганда: «Бизнинг пировард мақсадимиз – инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат»¹.

Бу борада кўйилган вазифаларни амалга ошириш ва ислоҳотлар муваффакияти, кўп жиҳатдан, жамиятда янги вужудга келаётган муносабатларни тартибга солишга қаратилган мукаммал ҳуқуқий базанинг яратилганлиги ҳамда ижтимоий ҳаётда фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланганлигига боғлиқдир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатларига канчалик даражада эътибор қаратилаётганлигини 1997 йилни «Инсон манфаатлари иили» деб эълон қилинганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Айниқса, 2008 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари Умумжахон

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 28-6.

Декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишен-
ган тадбирлар Дастири тұғрисида»ги Фармонининг эълон қили-
ниши мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари бүйіча амалга
оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Бирлашган
Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар орасида биринчи ма-
ротаба бундай Фармоннинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамия-
ти томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди. Мазкур Фармон
мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш
борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни янги поғонага
кўтарди.

Инсоният таракқиётида XX аср жиддий ижтимоий-сиёсий
вокеалар ва ўзгаришларга бой бўлди. Айнан шу даврда, бутун
дунё ҳамжамияти инсониятга таҳдид солувчи энг катта салбий
ҳодисалар, яъни иккита жаҳон уруши ва кўплаб миллий ва халқ-
аро зиддиятларни бошидан кечирди. Бу ҳаракатларнинг том мо-
хияти инсон ва унинг келажагига реал таҳдидни вужудга келти-
риши мумкинлигини эса кўп вакъларда унитиб кўйдик десак,
хато қилмаган бўламиз. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши даврида
инсон ҳуқуқларини бутунлай оёқ ости қилишга қаратилган ай-
рим давлатларнинг файдидемократик сиёсати барчага ўrnak бўлди.
Бутун дунё инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги қанчалик бебаҳо
қадрият эканлигини урушдан сунг чукур ҳис этди. Бунинг ифодаси
сифатида уставида энг олий мақсад дунёда тинчлик ва то-
тувлик, инсон ҳуқуқларини тұла тұқис таъминлаш этиб белги-
ланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил этилиши,
унинг 60 йиллик фаолиятини куришимиз мумкин.

«Инсоният эркинлигининг қонуний ифодаси» сифатида
1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари Умум-
жаҳон Декларацияси»нинг аҳамияти ва нуфузи йил сайин ошиб
бормоқда. Ҳозирги кундаги халқаро муносабатларнинг энг му-
ҳим мұваффақиятларидан бири жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқлари
билан демократияғоялари орасидаги ўзаро боғлиқликнинг шубҳа-
сиз тан олинишидир.

Истиқлол боис, халқимиз ўз ҳаёти ва турмуш тарзини мил-
лий манфаат ва қадриятлар асосида, шунингдек халқаро ҳам-
жамият эътироф этган демократик мезонларга уйғун равища
бунёд этмоқда. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини халқаро

андозалар асосида таъминлаш ва муҳофаза қилишга қаратилган кўплаб чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани таҳсинга сазовордир. Биргина, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Инсон ҳуқуклари Умумжахон Декларацияси»да эътироф этилган барча демократик тамойиллар ва нормалар ўрнатилганлигининг ўзи хам фикримизни тасдиқлади.

Конституциямиз ўзининг туб моҳияти, фалсафасига кўра жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурди.

Мамлакатимиз мустақиликка эришган илк кунлардан бошлабоқ инсон ҳуқуқи, унинг қадр-қиммати биринчи даражали масала сифатида кутарилиб, барча ҳуқукий асослар яратилди ва яратилмоқда. Бу борада мамлакатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ҳодимларига хам бир қатор муҳим вазифалар юклатилган. Жумладан, адлия органлари ва муассасаларига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эриkinliklарini таъминлаш, уларнинг бузилган ҳуқукларини тиклаш, фуқаролар мурожаатларига масъулият билан ёндашиб юклатилган. Қолаверса, адлия идораларининг асосий вазифаларидан яна бири жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтиришдан иборатdir.

Эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ушбу муҳим масалани ҳис қилган ҳолда тарғиботнинг барча мақбул усусларидан унумли фойдаланишга бел боғлаган. Сўнгги икки йил ичиде жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтириш, ахолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқукий саводхонлигини янада ошириш борасида ишлаб чиқилган ва ҳайтга татбиқ этилаётган бир неча лойиҳаларни сўзимиз исботи сифатида келтиришимиз мумкин. Ана шу лойиҳалардан бири 2009 йилда Адлия вазирлиги ҳузурида тузилган ёш ҳуқуқшунослардан иборат «Ҳуқукий тарғибот гурухи» фаолиятидир. Ушбу гурӯҳ томонидан бугунги кунгача мамлакатимизнинг 70 га яқин олис туманларида 62 мингдан зиёд ёш йигит-қизлар билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг ҳуқукий саводхонлигини юксалтириш борасида талай ишлар амалга оширилди. Ушбу рисола ҳуқукий тарғибот тадбирлари давомида ёшларнинг қизиқишлари, уларнинг уй-фикрлари, таклифлари ҳамда мулоҳазалари асосида яратилди.

Мазкур илмий изланишнинг асосий мақсади ўқувчига инсон ҳукуқлари, уни таъминлаш ва муҳофаза килиш борасида жаҳон ҳамжамияти ва давлатимиз томонидан олиб борилган кенг кўламли ишлар, бугунги глобаллашув жараёнида инсон ҳукуқларини чеклаш ёки бузишга қаратилган турли хил кўришишдаги ҳалқаро муаммоларнинг мазмун-моҳияти ва келтириб чиқарувчи сабабларни ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини очиб беришдан иборат.

**Равшан Мухитдинов,
Узбекистон Республикаси Адлия вазири**

«Маънавият, маърифатни тарзиб қилиш
ҳар бир зиёлиниг виждан ишидир»
И. Каримов

ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ТАРФИБОТНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳуқукий давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг зарурӣ шарти – бу қонунларнинг сўзсиз бажарилишидир. Қонунларнинг бир хилда ва сўзсиз бажарилиши ҳуқуқшуносларимизнинг ўз вазифасига муносабати ва зиммасидаги масъулиятни хис қилишига боғлиқдир¹.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир вақтда ёшларда ҳуқукий оңг ва ҳуқукий маданиятни янада юксалтириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбялаш мамлакатимиз олдида турган муҳим масалалардан биридир. Ҳуқукий демократик давлат қуриш ва жамият тараққиётининг ривожи ўсиб келаётган авлод таълим даражасининг, ҳуқукий саводхонлигининг юқорилигига боғлиқдир.

Яхши таълим-тарбия олган баркамол авлод ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик кӯчасига кирмайди, унинг ботқоfigа ботмайди. Аммо, шуниси ачинарлики, бугунги кунда ана шу кӯчага кириб колган ўсмирлар кўплаб учрамоқда.

Масаланинг бошида ёшлар тўғрисида гап юрита бошладик. Биз «ёшлар» деганда кимларни назарда тутамиз?

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига кура, ёшларга оид давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ва ёшларнинг манфаатларига дахлдор бўлган ижтимоий, иқтисодий ҳамда ўзга муносабатларни тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатларига асосланади.

¹ Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуки (умумий кисм). Олий ўкув юртлари учун дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. 34-б.

Мазкур Конун 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқароларга тааллуқли давлат сиёсатининг асосий негизини белгилаб беради ва уни тегишли қонунларни ривожлантириш ҳамда тизимга солиш учун асос деб эътироф этади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мазкур Конундагидан ва Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги бошка қонун хужжатлари-дагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қулланади.

Демак, ёшлар деганда, умумий маънода, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган жисмоний шахсларни тушуниш мумкин.

Бугунги кунда республикамида хукукий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хукукий демократик давлатнинг энг муҳим белгилари булган қонун устуворлигини таъминлаш ва юксак даражадаги хукукий онг ва маданиятга эга бўлган баркамол авлодни табиялаш мазкур ислоҳотларнинг узагини ташкил этади. Шу максадда республикамиз хукуқшунос олимлари, хукуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари, адлия идоралари ҳамда катор хукуқшунос талабалар томонидан кейинги йилларда фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг хукукий онги ва хукукий саводхонлигини янада юксалтиришга қаратилган катор хукукий тарғибот ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш, мамлакатимиз аҳолиси ва ёшлар онгига қонунларга ҳурмат руҳини шакллантириш масалалари жуда муҳим. Шу уринда, хукукий онг нима, унинг қандай белгилари мавжуд, деган саволларга жавоб топиш учун хукуқшунос олимларимизнинг «хукукий онг» тўғрисида билдирган фикрларига тұхталиб ўтишимиз лозим.

Баъзи хукуқшунос олимлар хукукий онг деганда жамиятдаги барча хукуқ ҳақидаги тасаввурларга эга бўлишни назарда тутсалар, айримлари хукукий онгни қонунларни ҳурмат қилиш ҳамда уларга риоя этилиши билан белгилайди.

Бизнингча, юридик фанлар номзоди, доцент Н. Сабуров томонидан хукукий онгга берилган қуйидаги таъриф унинг хукукий жиҳатларини нисбатан мукаммал ёритади: **хукукий онг – бу ижтимоий онгнинг шаклларидан бири бўлиб, киши-**

ларда ҳуқуқка, қонунчиликка ва ҳуқуқ-тартиботга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис-туйғулар, тасаввурлар йиғиндисидир¹.

Албатта, ҳар қандай кишилардаги мавжуд ҳуқукий онг – ижтимоий онгнинг шаклларидан бири ҳисобланади. Инсон ўзини ҳуқукий жихатдан етук, билимли деб ҳисоблаши учун, биринчи навбатда, унда жамиятда ўрнатилган ҳуқуқ нормалариға нисбатан хурмат рухи мавжуд бўлиши лозим.

Ҳуқуқий маданият – бу кишиларнинг ҳуқукий билим даражаси, ҳуқуқка нисбатан онгли муносабати, ҳуқуқни хурмат килиш ва унга риоя қилишдир².

Ҳуқуқий маданият мураккаб, серқирра тушунча бўлиб, у, биринчи навбатда:

ҳуқукий онгнинг муайян даражаси, яъни ҳуқукий воқеликни онгли равишда тушуниб, ўзлаштиришни;

умумий маданий асослар, юксак маданийлик даражаси, миллий негизлар ва манбалар, тарихий хотира, урф-одатлар ва анъаналярни;

аҳоли томонидан қонунларни билишнинг тегишли даражаси, ҳуқуқ нормалариға хурматнинг юкори даражасини, уларнинг нуфузини;

ҳуқукий фаолият, ҳуқукий ижодкорлик, ҳуқуқни муҳофаза этиш, бошқарув ва бошқа органлар ишининг самарали усуllibини;

фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қонунларга итоаткорлигини талаб этади.

Ҳуқуқий тарбибот – жамият ва давлатнинг ҳуқукий сиёсатини, стратегик мақсадини кишиларга, оммага етказишга қартилган маърифий ва тарбиий усуллар. Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ҳуқукий тарбиботнинг таъсирчанлиги ва ҳалққа тушунарли эканига боғлиқ. Шунинг учун, ҳуқукий тарбибот ҳуқукий жамият назарияси, ҳуқуқ лойиҳаси, ҳуқуқ социологияси каби илм соҳаларининг натижалариға таянади¹.

¹ Сабуров Н. Давлат ва ҳуқуқ назарияси (Саволлар, таърифлар, тушунча ва атамалар).//Ўкув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. 32-б.

² Ўша ерда: 33-б.

Хуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг хуқуқий билимини юксалтириш, жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш хақида»ги 1997 йил 25 июнь ПФ-1791-сон Фармони эълон килинди.

Мазкур Фармонда аҳолининг хуқуқий маданиятини ошириш ва хуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Республикада хуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли томонидан чукур англаб етилишига ҳар томонлама кўмаклашиш давлат бошқаруви, хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўкув юртлари ҳамда хуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари эканлиги курсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш Маркази тузилиб, мазкур Марказда адлия, суд, прокуратура, адвокатура, давлат бошқаруви идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг ўқитилиши кузда тутилди.

Куйидагилар Юристлар малакасини ошириш Марказининг асосий вазифалари қилиб белгиланди:

а) хуқуқшунос кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

б) хуқуқ соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, хуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш;

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Тошкент: Адолат, 2009. 654-6.

в) хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасидан ҳалқаро ташкилотлар билан алоқаларни амалга ошириш.

1997 йил 29 августда Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Жамиятда хуқуқий маданияти юксалтириш Миллий Даствури»нинг асосий устувор вазифалари этиб куйидагилар белгиланди:

Узбекистон хуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва тартиб, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги туфайли ёш давлатимиз ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимизда иктисадиёт, сиёsat, давлат қурилиши, хуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг қонуний замини яратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг хуқуқий асослари изчиллик билан мустаҳкамланмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффакияти кўп жиҳатдан ҳалқнинг хуқуқий онги ҳамда хуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интиувчанлиги белгиланган максадларга тезроқ эришишнинг мухим омилидир.

Юксак хуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда хуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гурухларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш хуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва хуқуқий тизимлар самарали фаолият курсатишнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Хуқуқий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, хуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланниши мумкин.

Жамият ва давлат тараккиётининг хозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмокда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффакиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, мазмуни, таркибий тузилиши ва намоён бўлишининг фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, психологик ва юридик муаммоларини тадқиқ этиш, уни шакллантириш ва янада юксалтириш усулларини аниқлашга илмий изланишларнинг устувор йўналиши деб қаралмоғи лозим.

Шахс умумий ва ҳуқуқий маданиятининг ўзаро боғликлиги, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий феъл-атвор, ижтимоий онгни шакллантиришда ҳуқукнинг ўрни, ҳуқуқий тарбия ва аҳолининг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий онгнинг психологик жиҳатлари, ҳуқуқий онгдаги ижтимоий бузилиш ва салбий ўзгаришлар ва аҳолининг турли қатлам ҳамда ижтимоий гурухларининг ҳуқуқий маданияти каби долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилиши айниқса долзарбdir.

Ҳуқуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг социологик негизини ривожлантириш, умуман жамиятдаги ҳуқуқий маданият ва аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқий маданияти ҳолатининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш учун сўровлар ўтказиш ва ҳуқук, унинг ижтимоий қадри ҳамда тартибга солувчаник вазифаси тўғрисида жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа усулларини қўлланиш зарур.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Ҳалқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари манфаатдор ташкилотларнинг иштирокида ёшларни ҳуқуқий тарбиялашнинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқишилари керак.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олиб, хорижий давлатлардаги ҳуқуқий маданиятни оширишга доир илмий тадқиқотларнинг натижаларини нашр этиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, бу соҳада илмий ахборот айирбошлишни йўлга қўйиш муҳимдир.

Илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва маълумотномалар нашр этишни кўпайтириш ахолининг хукуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларни кучайтириш, илмий билимларни оммалаштириш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоғи керак¹.

Хозирги кунда мамлакатимизда инсон хукуқлари ва эркинликларининг таъминланиши унга бўлган эҳтиёж ва имкониятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Албатта, инсон хукуқларини тан олиш ва халқаро меъёрлар доирасида уларни ҳимоя қилишнинг турил воситаларини яратиш, айтиш мумкинки, асримиз маънавиятининг энг муҳим ютуқларидан биридир. Ана шундай бутун инсоният маънавияти ютуқларидан бири сифатида «Инсон хукуқлари Умумжаҳон Декларацияси»ни кўрсатишимиз мумкин. Бу тарихий хужжатнинг ишлаб чиқилиши ва эълон қилиниши инсониятнинг тарихий тақдирида, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Үнда ишлаб чиқилган қоида ва хулосалар, тамойиллар ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра мукаммал ишланган хукуқий меъёрларнинг умумлашган ифодаси хисобланади.

Инсон хукуқлари ва уни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилишда давлатлар мазкур хужжатда эълон қилинган хукуқий меъёрларга амал қилиши уларда ишлаб чиқилаётган хукуқий хужжатларнинг самарали ваadolатли бўлишида муҳим аҳамият касб этади².

«Инсон хукуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг З-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий даҳлсизлик хукуқига эга эканлиги таъкидланади. Мазкур модда қоидалари 4, 21-моддаларда кенгроқ ифодаланган бўлиб, уларда фуқаролик ва сиёсий хукуқлар, яъни қуллик ёки қарамликдан сакланиш хукуки, азоб-уқубатга ёки ваҳшийларча жазога дучор бўлмаслик хукуқининг қонун нормалари билан ҳимоя қилини-

¹ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 227-модда.

² Инсон хукуқлари. – Тошкент: Узбекистон, 1997. 70–71-6.

ши, ўзбошимчалик билан қамоққа олинишдан, ушлаб туриш ва қувғин қилинишдан сакланиш ҳуқуқи, қўйилган айбнинг асосланганлигини аниқлаш учун тенглик асосидаги адолатнинг барча талабларига риоя қилиш ва унинг суд томонидан холисона кўриб чиқилиш ҳуқуқи, шахсий ёки оиласавий ҳаётга ўзбошимчалик билан аралашиш, уй-жой ва хатлардаги сирларнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, давлат ҳудудида эркин юриш ва ўзига истиқомат жойини танлаш ҳуқуқи, бошқа мамлакатда бошпана олишдан фойдаланиш ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқи, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, эркин фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи, маслак эркинлиги ва уни ифодалаш ҳуқуқи, тинч йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар тузишда қатнашиш ҳуқуқи, мамлакатни бошқаришда бевосита ҳамда билвосита иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар ўз ифодасини топганлигига гувоҳ бўламиз¹.

Декларация жаҳон халқларининг иродасини, рухиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида бевосита акс эттирган, умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган хужжатdir. Боиси, уни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва татбиқ қилишда бутун халқаро ҳамжамият вакиллари иштирок этган. Бир сўз билан айтганда, мазкур декларация жаҳон халқларининг тарихий тараққиёт натижасида эришган демократик тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва тизимга киравчи муассасалар иштирокида республикализмининг олис қишлоқлардаги фуқаролар, ўқувчи ёшлар, талабалар, айниқса баркамол авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш борасида ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Амалга ошириб келинаётган ҳуқуқий тарғибот ишларидан кўзланган асосий мақсад, ижтимоий ҳаётда муайян бир ҳуқуқий муносабатга киришган баркамол авлод ҳамда ёшларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англай олишларига кўмаклашишдан иборатdir.

Бош қомусимиз – Конституциямизнинг 17 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида бўлиб

¹ Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 76-6.

ўтган байрам тадбирида Юртбошимиз яна бир бор ёшлар масаласига эътибор қаратди.


Жаҳонда ҳеч бир мамлакат раҳбари ўз ёшларига бундай юксак ишонч ва эътибор қаратмаган.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугун коллежлар, лицейлар, институтларни битираётган, қолаверса, чет мамлакатларда ўқиб келаётган бизнинг ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмайди ҳам.


Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уни мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкам таянчи бўлишини таъминлаш, қишлоқ жойларидаги ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш мақсадида етарли шароит ва имкониятлар яратилган ва яратилмоқда. Яратилаётган бундай имкониятлар ёшларда ўз маънавий оламини юксалтириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ҳар томонлама етук, қобилиятли бўлиб тарбияланиш хиссини ривожлантиришда муҳим омил бўлиши щубҳасиз.

Бугун давлатимиз раҳбари «...менинг ортимда Ўзбекистон ёшлари турибди», – дея мамлакатимизнинг ўсиб келаётган ёш авлодларига юксак ишонч билдиримоқда. Ўйлаймизки, бундай ишончга жавобан барча ёшларимиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида тинмай ўқиб-урганиши, юртимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиша фидокорона меҳнат қилиши даркор.

1-схема



2-схема



3-схема

Хуқуқий маданият

хукукий онгнинг муайян даражаси, яъни хукукий воқеликни онгли равишда тушуниб, ўзлаштириши

умумий маданий асослар, юксак маданийлик даражаси, миллый негизлар ва манбалар, тарихий хотира, урф-одатлар ва анъаналарни

аҳоли томонидан конунларни билишининг тегишли даражаси, хукук нормалариға ҳурматнинг юқори даражасини, улар нуфузини

хукукий фаолият, хукукий ижодкорлик, хукукни муҳофаза этиш, бошқарув ва бошқа органлар ишининг самарали усусларини

фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг конунга итоаткорлигини талаб этади

КОНСТИТУЦИЯ – ИЗЧИЛ ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР АСОСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий давлатчилигимизнинг чуқур илдизлари ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларига асосланган ҳолда, ҳалқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий тафаккурининг маҳсули сифатида қабул қилинган бўлиб, республикамизда амалга оширилаётган барча изчил ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдеворига айланди.

«Конституция» сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, урнатиш, белгилаш, тасдиқлаш, тузилиш, тузук маъноларини билдиради. Дунёда биринчি Конституция 1787 йил АҚШда қабул қилинган. Европада эса биринчি бўлиб, 1791 йили Польша ўз Конституциясини қабул килган.

Конституцияга умумий тарзда «олий юридик кучга эга булган, бир томондан инсон ва иккинчи томондан давлат ўртасидаги муносабатлар асосларини, шунингдек давлатнинг ўзини ташкиллаштириш ва фаолият кўрсатиш асосларини тартибиға соладиган ҳуқуқий нормалар тизими», дея таъриф бериш мумкин.

Ҳар бир давлатнинг Конституцияси ўзига ҳос жихатларга эга бўлиб, унинг миллий ҳусусиятлари, анъаналаридан келиб чиқади. Хорижий мамлакатлар тажрибасида Конституциялар бир катор турларга ажратилади.

Конституцияларнинг таснифланиши деганда, турли мамлакатлардаги конституцияларни турли мезонларга (критерияларга) асосан ҳар хил грухларга (турларга) бўлиш тушунилади.

Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқукида конституцияларни мазмунан куйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчидан, конституцияларни уларнинг моҳиятига кўра, куйидаги турларга бўлиш мумкин:

Юридик (формал) конституция – давлатнинг Асосий қонуни бўлиб, алоҳида тартибда қабул қилинади ва олий юридик кучга эга ҳисобланади. Бунга аксарият давлатларнинг конституциялари мисол бўлади.

Фактик (моддий) конституция – амалдаги реал ижтимоий муносабатларни тартибиға соловчи конституция ҳисобланади.

Амалдаги конституция – ҳозирда амал қилаётган, муайян давлатнинг конституциявий тузумини белгилаб берувчи, мамлакатдаги энг асосий ижтимоий муносабатларни хукукий тартибга солувчи қонун ҳисобланади.

Сохта конституция – мазмунан жамият ҳаётини белгилаб берувчи коидалар мавжуд бўлсада, аслида бу коидаларнинг аксарияти жамият ҳаётини тартибга солишда қўлланилмайди. Масалан, СССРнинг 1936 йил Конституциясида белгиланган коидаларнинг реал ҳаётдаги ўрнига қиёсан разм солиш орқали кўриш мумкин.

Иккинчидан, конституцияларни шаклига кўра, қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

Ёзма конституция – мамлакатнинг олий органи томонидан ёки референдум йўли билан қабул қилинган, олий юридик кучга эга бўлган давлатнинг асосий қонуни бўлиб ҳисобланади. Бунга АҚШ, Япония, Узбекистон, Нидерландия, Бельгия, Австралия ва бошқа давлатлар конституцияларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ёзилмаган конституция – айнан бир яхлит конституция тузилиши ҳолатига келтирилмасдан, бир қанча даврлар оралиғида қабул қилинган қонунлардан иборат бўлади. Бу қонунларга конституциявий қонун мақоми берилади. Масалан, Исландия, Янги Зеландия каби давлатлар конституциялари.

Яхлит конституция – Конституция матни яхлит бўлиб, бир вақтда қабул қилинади. Масалан, Россия, Узбекистон, Бразилия Конституциялари яхлит конституцияларга мисол бўла олади.

Яхлит бўлмаган конституция – бундай Конституция матни бир неча даврлар оралиғида қабул қилинади. Масалан, Швеция, Финландия конституциялари.

Доимий конституция – хорижий мамлакатларда қабул қилинган аксарият конституциялар доимий конституциялар ҳисобланади.

Вактинчалик (мувакқат) конституция – маълум бир мuddат давомида амал қилувчи конституция. Масалан, 1970 йил Ирока, 1971 йилда Бирлашган Араб Амирлигига харакатда бўлган конституциялар.

Учинчидан, жаҳон конституциявий амалиётида конституциялар ўзгартириш тартибининг мураккаблигига қараб «юмшоқ» ва «қаттиқ» конституцияларга ажратилади.

«Юмшоқ» конституция деганда нисбатан осон ўзгартирилайдиган, ўзгартириш киритиш тартиби содда бўлган конституция тушунилади. «Қаттиқ» конституция деганда, ўзгартириш киритиш тартиби мураккаб бўлган, бирмунча муддат давом этадиган конституция тушунилади.

«Юмшоқ» конституциялар оддий қонунлар учун белгиланган тартиб асосида ўзгартирилади ёки тўлдирилади. «Қаттиқ» конституциялар алоҳида ўрнатилган тартибга мувофиқ (кўшимчалар тақдим этилгандан сўнг маълум вакт ўтгач ёки малакали овоз бериш – депутатларнинг 2/3 кисми овози билан, федерация субъектларининг хаммаси ратификация қилган тақдирда ва хоказо) ўзгариши мумкин. Масалан, АҚШ Конституциясига икки юз йилдан ортиқ амал қилган вакт мобайнида атиги 27 та тузатиш киритилган.

Тўртинчидан, конституцияларни уларнинг ижтимоий мазмунига қараб ҳам бир неча турга бўлиш мумкин. Улар қўйидағилар: ғарб мамлакатлар конституциялари, ривожланётган мамлакатлар конституциялари, утиш даври мамлакатлари конституциялари, теократик давлатлар конституциялари.

Хозирги кунда дунёда 300 дан ортиқ конституция бор (федератив давлатлар субъектларининг конституциялари билан бирга). Бу конституциялар турли тарихий даврда кабул қилинган булиб, ҳар хил ижтимоий мазмунга эга.

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фукаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини химоя килишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Чунки ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган хукуқ ва эркинликларига бевосита мурожаат қиласи ҳамда ушбу Асосий қонунга ўзининг хукуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик хужжат сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чукур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнан Конституциядан топа билиши зарур.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фукаролик жамияти қуриш асосий мақсад қилиб олинган экан, Президентимиз И. Каримов айтганидек: «Демократиянинг энг муҳим тамойили – одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рӯёбга чиқариш ва химоя килиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, конуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим»¹. Айнан мазкур масалаларнинг ечими бевосита Конституциянинг қабул қилиниши билан боғлик эди. Шу боис ҳам Собир Иттифоқ республикалари орасида биринчилардан бўлиб 1990 йилнинг июнида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида янги конституция лойиҳасини тайёрлаш учун 64 кишидан иборат Конституциявий Комиссия тузилди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий конун қабул қилинди. Унда белгиланган қоидалар амалиётда бир ярим йил мобайнида синовдан ўтди, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасига киритилди.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш борасидаги барча ишлар президентимиз И. Каримовнинг бевосита раҳбарлигига амалга оширилди. Конституциявий комиссиянинг устувор вазифаси этиб республиканизнинг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий конунчилиги эришган ютукларни инобатга оладиган Асосий қонун лойиҳасини тайёрлаш белгиланди. Лойиҳани тайёрлаш чорида Европа, Осиё, Америка мамлакатларининг конституциялари ўрганиб чиқилди. У инсон ҳукуклари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳукукларига оид бошқа халқаро хужжатларни инобатга олган ҳолда тайёрланди².

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 370-б.

² Карап: Сайдов А.Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий Конуни. – Тошкент: Билим, 1992.

Конституциявий комиссиянинг аъзоси академик Ш. Үразаев шундай сўзларни ёзган: «Президентимиз шунда ҳам жуда такчил вақтидан фурсат ажратиб, Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гурӯхнинг аъзоларини қабул килар, лойиҳани қайта-қайта ўқиб чиқар, унинг матнини чукур мушоҳада қилар ва унга тузатишлар киритарди. Бу кишининг ғоят ажойиб таҳлил қобилияти, келажакни олдиндан кўра олиши, нозик ҳис этиш истеъоди бизни ниҳоятда ҳайратга соларди. У меҳнатга доимо тайёр, ҳамиша изланишда, ишнинг моҳиятини тушунишга ва у бўйича энг мақбул карор чиқаришга интиларди. Конституциявий комиссиянинг раиси лойиҳанинг ҳар бир тафсилотига эътибор берар, унга ўз кўли билан тузатишлар ва аникликлар киритарди, ишга астойдил ёндашиш, ишбилармонлик ва билимдонлик намунасини курсатар эди.

Президент – ўзига нисбатан жуда талабчан шахс. У ярим тунгача ишлар ва ишнинг жуда катта қисмини ўз зиммасига оларди. Кунлар кетидан кунлар, шанба ва якшанба дам олиш кунлари ҳам шу тариқа ўтарди.

Президентимиз Ислом Каримов Конституция лойиҳасини аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг маданий ёдгорликлар, оналиқ ва болаликни муҳофаза қилиш хақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф қилди, асосий эътиборни Конституциянинг инсон ва фуқаролар эркинликлари ва бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларига қаратди. Президент Конституция лойиҳасини биринчи марта эълон қилгунча тўрт марта, кейинги эълон қилингунича эса яна икки марта таҳрир қилди. Фуқароларнинг аниқ таклифлари ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, Олий Кенгаш сессиясидан аввал лойиҳани қўлида қалам билан яна бир бор кўриб чиқди¹.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Конституцияда ўз аксиими топган ғоялари унинг 1992 йил ёзида чоп этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқтол ва тараққиёт йўли» асарида ифодалаб берилди. У шундай деб ёзган эди: «Мустақил Ўзбекистоннинг

¹ Каранг: Үразаев Ш.З. Как готовился проект Конституции Республики Узбекистан // Народное слово, 26 декабря, 1992 г.

биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли хуқукий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу Асосий Конун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий тоғасиз бизнинг қўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон хуқуqlари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, хуқукий ва адолатли давлатни қандай қилиб куриш йўлларини очиб беради»¹. Ушбу асар Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳасини тайёрлашга асос бўлди.

1992 йил 8 сентябрда Конституциявий комиссия бажарилган ишни маъкуллади ва Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилди. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гурӯҳ тузилди. Шуни алоҳида таъқидлаш лозимки, Конституциямизни ишлаб чиқиша бевосита ҳалқимизнинг, мамлакатимиз фуқароларининг ўрни ҳам бекиёс. Конституциямиз лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун 1992 йил 26 сентябрда ҳамда 21 ноябрда матбуотда эълон қилинди. Мазкур муҳокамалар фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринкилиги руҳида ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали ва амалий мактаби бўлди. Муҳокамада мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммаси иштирок этди. Матбуотда, радиоэшилтириш ва телекўрсатувларда қизғин баҳс-мунозаралар бўлди, қўплаб учрашувлар ўтказилди, Конституция лойиҳасига доир масалалар бўйича баҳс-мунозаралар ташкил қилинди.

Биринчи марта Конституция лойиҳаси эълон қилингач, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди. Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материаллар эълон қилинди. Келиб тушган таклифларнинг сони 5 мингдан ошиб кетди. Конституция лойиҳаси келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда қайта ишланди ва иккинчи бор муҳокамани давом эттириш учун матбуотда эълон қилинди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 85-б.

Шундай қилиб, хукуқий прецедент – икки босқичли умумхалқ мухокамаси юз берди. Ушбу холат мухокама иштирокчиларини фаоллаштириш учун құдратлы рағbat вазифасини ба жарди. Бунинг натижасыда умумхалқ фикр алмашуви янгича тус олди. Мазкур акциянинг маъноси шунда эдики, фуқаролар Конституциянинг қайта ишланган вариантида Конституция лойиҳасини мухокама қилишдаги ўз иштирокларининг натижасини кўра олдилар. Янги вариантда умумхалқ мухокамасининг дастлабки босқичида келиб тушган кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўз ифодасини топди. Одамлар Конституциявий комиссия уларнинг овозини эшитганлигига, таклифларининг тегишли равишда кўриб чиқилиб, инобатга олинганлигига ишонч хосил қилдилар.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ мухокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиши-иродасини аниклаш, жуда бой материал тұплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси мухокамасига киритилди.

Юртбошимиз И.А. Каримов сессияда Конституцияни «**халқ-чил қомус**» деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ мухокамасидан ўтганлиги ва шу вакт мобайнида у халқнинг фикр хазинаси дурданалари билан бойитилганлигини, сайқал топганлигини таъкидлади¹.

Республика Олий Кенгашининг сессиясида мухокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, құшымчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Уларнинг айримлари мухим аҳамиятга эга эди. Парламент сессиясининг иши давомида депутатлар ҳам Конституция лойиҳасига бир қатор ўзгартишлар киритдилар.

«Дархакиқат, – деб ёзади Ўрта Осиё бўйича таникли мутахассис, профессор Л. Левитин. – Ўзбекистон Республикаси-

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 124-6.

нинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-хукукий ташкил этилиши нуткай назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, хокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган хукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узок йиллар давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хомхаёл-демократик никоби бўлиб келган турли кўринишдаги «шўро-чиликлар» барҳам топтирилган»¹.

Ушбу фикрдан ҳам кўриниб турибдики, бизнинг Конституциямиз ўз мазмун-мохиятига кўра мутлақо янги, ўзига хос анъаналар, ғоялар миллий қадриятларимизни акс эттирган демократик Конституциядир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Ўз ички тузилиши билан Ўзбекистон Конституцияси жаҳон конституциявий амалиётига тўла мос келади. Конституциямизнинг мазмун-мохиятига, унинг қабул қилинишида, биринчи навбатда, инсон хукуки олий қадрият эканлиги сингдирилган. Унинг асосий мантикий йўналиши қўйидагича: инсон – жамият – давлат манфаатлари ни таъминлашга қаратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон ҳалқини инсон хукукларига ва давлат суверенитети ғояларига содиклилиги, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулияти, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таянилганлиги, демократия ва ижтимоий адолат садоқатини намоён қилиб, ҳалқаро хукукнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини, республика фуқаролари-нинг муносиб хаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик хукукий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш асосий мақсад сифатида бел-

¹ Каранг: Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 89–90-б.

гиланди ва мазкур қоидалар конституциямизнинг қанчалик демократиявийлигини, халқчиллигини кўрсатади.

Конституциямизнинг асосий принциплар деб номланган биринчи бўлими I бобидаги б та моддасининг деярли хар бирида белгиланган қоидалар мамлакатимиз хаётида бош ҳуқукий принциплар бўлиб келмоқда. Яъни, «давлат суверенитети», «халк ҳокимиятчилиги», «Конституция ва қонуннинг устунлиги», «ташқи сиёсат» принципларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида, Ўзбекистон ўз давлат рамзларига эга бўлди, мустакил давлат ҳокимияти тармоқлари тизими шаклланди, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати белгиланди, фуқаролик жамиятининг муҳим элементлари ҳисобланган сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг мустаҳкам ҳуқукий асослари яратилди.

Конституциянинг иккинчи бўлим – инсон ва фуқароларнинг асосий ҳукуклари, эркиnlари ва бурчларида кўрсатилган қоидалар мамлакатимиз ўз олдига қўйган инсонпарвар ҳуқукий демократик давлат барпо этиш мақсадининг амалий ифодасидир. Хусусан, Конституциямизнинг 18-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқук ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдидаги тенгдирлар. Имтиёzlар факат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Мазкур конституциявий норма барча фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари тенглигини, хеч кимнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар камситилиши мумкин эмаслигини кафолатлади. Масалан, Конституциямизнинг 20-моддасида: «Фуқаролар ўз ҳуқук ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуклари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт», – деб белгиланган. Бу фуқаролар ўз ҳуқук ва манфаатларидан фойдаланар экан, ўзгаларнинг худди шундай ҳукукка эга эканликларини унутмасликлари лозимлигини анг-

латади. Зеро, Конституциямизнинг иккинчи бўлимида кафолатланган хукуқ ва эркинликлар барча фуқароларга тегишилдири.

Конституциямизнинг 24-моддасида яшаш хукуки ҳар бир инсоннинг узвий хукуқидир, дейилган. Бу яшаш хукуки инсон ва фуқароларнинг табиий хукуки хисобланиб, у ўз-ӯзидан пайдо булиши ва унинг ўлими билан тугашини ифодалайди.

Инсоннинг табиий хукуки (яшаш хукуки) ва уни химоя қилиш давлат ҳамда барча жамоат тузилмалари фаол ҳаракатларининг кенг доирасини, ҳар бир мавжуд инсон турмушининг хавфсиз ижтимоий ва табиий муҳитини, турмуш шароитини ўз ичига олади¹.

Инсоннинг яшаш хукуки, у ким бўлишидан қатъи назар, конуний таъминланади. Мазкур норма 1948 йилда қабул қилинган ва 60 йиллиги нишонланётган инсон хукуклари умумжакон Декларациясига ҳам тўлиқ мос тушади.

«Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар утказилиши мумкин эмас», – деб белгиланган Конституциянинг 26-модда учинчи хатбоисида. Бу, агар унинг розилиги булмаса, ҳеч бир инсонда унинг устидан илмий тажриба қилиб курилиши мумкин эмаслигини билдиради.

Конституциянинг VIII – сиёсий хукуклар боби фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини кафолатлайди. Хусусан, 32-моддада: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш хукуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ӯзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш ўюли билан амалга оширилади», – деб белгиланган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда сайлов ва референдумларда, бевосита ҳамда олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайлайдиган ўз вакиллари орқали иштирок этадилар. Эркин сайлов хукуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси хокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси

¹ Инсон хукуклари: Олий уқув юртлари учун уқув қулланма. Х.Б. Бобоев, А.Х.Сайдов, Ш.Ш.Шорахметов ва б. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 105-б.

эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда¹, жумладан, ЕХХТ нинг Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатида ҳам таъкидланган. Ушбу ҳужжат талабларига кўра: «Иштирок этувчи давлатлар тегишинча ўз фуқароларининг бевосита ёки ҳақиқий сайлов жараёнида ўзлари эркин сайдайтида вакиллар орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқларини хурмат киладилар»². Мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳам бевосита фуқароларимизнинг жамият ва давлат ишларини бошқариша иштирокини кафолатлашга қаратилган.

Конституциямизнинг 35-моддасида: «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга», – дейилган. Бу билан инсон, унинг қонуний манфаатлари бузилган тақдирда, давлат органларига, нодавлат ташкилотларига, жамоат уюшмалари ёки ўзини-ӯзи бошқарув идораларига ариза бериш ҳуқуқига эга эканлиги, мазкур органлар эса аризаларни қонунларда белгиланган тартибда ва аниқ бир муддатда кўриб чиқишлиари шартлиги қонунан мустаҳкамланган.

Конституциянинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар номли IX бобида фуқароларнинг меҳнат қилиш, мулкдор бўлиш, месроҳур бўлиш, билим олиш, илмий техникавий ижод эркинлиги, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқларини кафолатланган. Хусусан, 36-моддада: «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади», – деб белгиланган. Бу ўз навбатида мустақил давлатчилик, айтиш мумкинки, унинг Асосий қонуни – Конституцияси фуқароларга берган энг катта имкониятларидан бири – қонун йўл қўйган асосларда мулкдор бўлишdir.

¹ Каранг: 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжахон декларациясининг 21-моддаси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар турисидаги халқаро Пактнинг 25-моддаси.

² Каранг: ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференция Копенгаген кенгашининг ҳужжати. Копенгаген, 1990 йил 20 июнь // «ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари» А.Сайдов мухарририлги остида. – Тошкент: Адолат, 2002. 52-6.

Мулкдорлик, бир сўз билан айтганда, хукуқлар ва мажбуриятлар (масъулият) бирлигидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси мулк хукуқига шахснинг ўзига қарашли молмулкка ўз хошиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк хукукини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш хукуқидан иборат, деб таъриф беради.

Конституциямизнинг 37-моддасида: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда курсатилган тартибда ишсизликдан химояланиш хукуқига эгадир», – деган қоида мустаҳкамланган.

«Суд хукми билан тайинланган жазони уташ тартибидан ёки қонунда курсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади».

Барча фуқаролар меҳнат хукукларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадирлар. Жинси, ёши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чикиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилияtlарига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига караб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхурлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

Конституциямизнинг X боби инсон хукуqlари ва эркинликларининг кафолатларига бағишлиланган бўлиб, хусусан, Конституциямизнинг 43-моддасида: «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган хукуқлари ва эркинликларини таъминлайди», – деб белгиланган.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган хукуқ ва эркинликларини амалга оширишни давлат томонидан таъминлашга ёрдам берадиган воситалар, усуллар ва шарт-

шароитлар мажмуи кафолат тушунчасини беради. Кафолатнинг асосий вазифаси, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган тўсиқларни барта-раф этиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашдир. Умуман олганда «кафолат» сўзининг луғавий маъноси бу – масъулиятни, жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда ишонтириш, таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI боби фуқароларнинг бурчларига бағишлиланган бўлиб, барча фуқароларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир инсоннинг энг муҳим мажбуриятларидан бири Конституция ва қонунларга риоя этиш, Асосий қонунда белгилаб қўйилган бурчларни бажаришдир (47 ва 48-моддалар).

Конституция ва қонунларда жамият ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий асослари, мамлакатда ўрнатилган хукуқий тартибот, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими ифода этилади. Шу сабабли уларга ҳар бир фуқаро қатъий риоя этиши шарт. Бу қоидаларни ҳар қандай кўринишда бузиш давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларига птур етказади. «Фуқаролар, деб таъкидланади Конституциянинг 48-моддасида, Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг хукуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар».

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар томонлама пишган ва инсон фаолиятининг турли жабхаларини бевосита ёки билвосита тарзда акс эттирган Асосий қонун бўлиб ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда Конституциямиз асосида давлат ва жамият қурилиши соҳасида изчил демократик ислоҳотлар амалга оширилди: икки палатали парламент шакллантирилди, Президентнинг айрим ваколатлари Сенатга ўтказилди, сайлов тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди, Президентнинг ваколат муддати узайтирилди, ўлим жазоси бекор қилинди, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш хукуки судларга ўтказилди ва бошқалар.

Мазкур изчил ислоҳотларга сўзсиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бош хукуқий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу уринда, Президентимиз И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидағи «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маъruzасида мамлакатда илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар, мустакил демократик давлат ҳаётида ўзига хос ўрин тутди ҳамда асосий ғоя, мақсад бўлган демократик давлат ва фуқоролик жамиятини қуруш сари навбатдаги муҳим ахамиятга молик бўлган қадам бўлди, десак адашмаган бўламиз. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Икки палатали парламент барпо этишдан мақсад, аввало, мамлакатни модернизация қилиш борасида узокни кўзлайдиган кучли давлатдан кучли жамият сари деган тамойилни ўзида ифода этади»¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Конуни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Конуни мамлакатимизда давлат бошқарувини янада демократлаштиришга, сиёсий партиялар ролини оширишга, энг муҳими, ижро ҳокимияти ва конун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларда изчил хукукий ислохотларни таъминлашга хизмат қилади.

2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги конун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Конун мамлакатимизнинг сайлов конунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур конунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон

¹ И.А. Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Тошкент: Ўзбекистон,

Республикаси Марказий сайлов комиссияси тұғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси тұғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Регламенти тұғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тұғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тұғрисида»ги, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чакириб олиш тұғрисида»ги Конунларига ўзгартиш ва күшимчалар киритиш күзда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тұғрисида»ги Конуннинг 1-моддасига, «Референдум якунлары ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тұғрисида»ги Конституциявий Конуннинг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабря қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси тұғрисида»ги Конституциявий Конуннинг 2-моддасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага күпайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Бунда 135 депутат худудий сайлов округлари бүйіча күп партиявийлик асосида сайланади. Үн бешта депутат эса Ўзбекистон экологик харакаты томонидан күрсатилади.

Сайлов тұғрисидаги конун хужжатларига киритилган яна бир ўзгартиш ҳокимият вакиллік органларига фуқароларнинг ташаббускор гурухларидан номзодлар күрсатиш тұғрисидаги қоиданинг чиқарыб ташланиши хисобланади. Яъни сайлов тұғрисидаги аввалғи конун хужжатларига мувоффик сиёсий партиялар билан бир қаторда бевосита фуқаролар ҳам ташаббускор гурухларлар орқали ўз номзодларини тақдым этишлари мукин эди. Ҳозирда сайловчилар ташаббускор гурухлари томонидан депутатликка номзодлар күрсатиш сайлов конунчилигидан чиқарыб ташланди. Бу ўз навбатида сиёсий партияларга давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштироки учун янада кенгрек имконият беришни күзда тутади.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига киритилган ўзгартишларга асосан сайловда иштирок этиш ниятида бўлган партияни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олишнинг аввал белгиланган муддати қискартирилди. Хусусан, аввал ушбу муддат 6 ой қилиб белгиланган бўлса, эндиликда бу муддат 4 ойни ташкил этади. Шунингдек, муқаддам сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш хукуқига эга бўлиш учун 50 минг нафар сайловчининг имзосини тўплаши лозим бўлган бўлса, энди бу миқдор 40 минг нафарга камайтирилди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони аввалги 5 нафар ўрнига 10 нафаргача кўпайтирилди. Ушбу коида ўз навбатида сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларга ўз сайловолди кампанияларини сайловчиларнинг янада кенгрок доирасини қамраб олган ҳолда фаол ўтказиш имконини беради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий вакиллик органларига ўтказилган сўнгги сайловларда фуқароларимизнинг фаоллиги, сиёсий партиялар ўртасидаги эркин рақобат яққол намоён бўлди. Мамлакатимизда 2009 йил 27 декабрда ўтказилган овоз бериш жараёнида фуқароларамиз фаол иштирок этдилар. Шу билан бирга сайлов якунларига кўра, сиёсий партиялар ва улар кўрсатган депутатликка номзодлар ўртасидаги кучли рақобат натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 135 та сайлов округидан 39 тасида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур миқдорда овоз тўплай олмагандилар. Шу сабабли 2009 йил 30 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан мазкур сайлов округларида 2010 йил 10 январда такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сайлов Қонунчилигига биноан, такрорий овоз бериш 39 та сайлов округининг ҳар бирида асосий сайловда сайловчиларнинг энг кўп овозини олган икки нафар депутатликка номзод иштироқи-

да ўтказилди. Ушбу округларда сайловчилар рўйхатига фамилиялари киритилган 4 миллион 969 минг 547 сайловчининг 3 миллион 960 минг нафари ёки 79,7 фоизи тақорорий овоз беришда қатнашди. Тақорорий овоз беришда сиёсий партияларнинг 8260 нафар кузатувчиси ва ваколатли вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар якунига кўра 150 депутат сайланди. Шу жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 53 нафар, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 32 нафар, Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясидан 19 нафар депутат сайланди. Қолган 15 нафар депутат эса Ўзбекистон Экологик харакатининг вакиллариdir. Сайланган 150 депутатнинг 33 нафарини ёки 22 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Эътиборли томони шундаки, сайланган депутатларнинг 47 нафари ёки 31,3 фоизи илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу уларнинг ўз сайловчилари ишончига сазовор бўлганидан далолат беради. Шунингдек, парламент кўйи палатаси депутатларининг 34 фоизи хукукшунослар, 37 фоизи иқтисодчилардир. Қолганлари эса бошқа соҳа вакилларидан иборат¹. Кўриниб турганидек, депутатлар таркибини жамиятнинг деярли барча қатламлари вакиллари ташкил этади.


Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкора руҳда ўтишида оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолияти ҳам мухим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур катта сиёсий тадбирни 500 дан ортиқ маҳаллий ва 200 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари ёритиб борди. Дунёнинг 36 та мамлакати ва тўртта халқаро ташкилотдан 270 дан зиёд кузатувчилар, шунингдек депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг 60 мингдан ортиқ кузатувчилари ва ваколатли вакиллари сайловни мониторинг қилиб борди. Бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган изчил демократик ислоҳотлар натижасида сайлов қонунчилигимиз сайлов ўтказишнинг халқаро стандартларига тўла мос келишининг яққол далилидир.

¹ Каранг: маълумотлар www.elections.uz сайтидан олинди.


Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ёшидан қатъи назар, барча фуқароларимиз ўрганишлари лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилингандан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишини ташкил этиш тұғрисида»ги фармойиши ҳам мазкур йұналишдағи мухим қадам бўлди. Дарҳақиқат, кўп нарса мамлакатда Конституцияни оммавий равишда ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга боғлик. Мана шу мақсадда давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Конституциясини болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш, мактабларда дарслер тариқасида ўқитиш ҳамда олий уқув юртларида маҳсус дарс сифатида ўрганиш¹ вазифа қилиб қўйилди. Чунки ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқук ва эркинликларига бевосита мурожаат қиласди. Конституция ўзининг туб мазмун моҳияти билан инсон ва фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик хужжатdir.

4-схема

Хорижий мамлакатлар конституциявий хукуқида мазмунан қўйидагича конституциялар таснифланади




¹ И.А. Каримов Конституция тұғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 153-б.




б-схема



7-схема



8-схема



ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

XXI асрда давлатларнинг дунё сиёсий саҳнасидаги обруси-ни белгилаб берувчи омиллардан бири, албатта, мазкур давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги хисобланади. БМТнинг 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт»нинг 1-моддасида: «Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадирлар. Ана шу ҳуқуқ туфайли улар ўз сиёсий макомларини ўз эрклари билан белгилайдилар ҳамда ўзларининг иқтисодий-ижтимоий ва маданий тараққиётларини таъминлайдилар»¹, деб белгиланган.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимида сиёсий ҳуқуқлар алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу ҳуқуқлар фуқароларнинг давлатни ва жамият ишларини бошқаришидаги иштироки билан боғлиқдир.

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар деганда инсонларнинг бевосита сиёсий манфаатларига тегишли ҳуқуқлар тушунилади. Сиёсий ҳуқуқлар шахснинг сиёсий жараён ва давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш имкониятларини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади»², – дейилади. Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуки ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим принципларидан бири бўлиб хизмат қиласди.

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуки демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан биридир. Конституцияда халқнинг давлат ва

¹ Инсон ҳуқуқлари: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. Х.Б.Бобоев, А.Х.Саидов, Ш.Ш.Шорахметов ва бошк. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 205-б.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 8-б.

жамият ишларини бошқаришда иштирокини амалга ошириш шакллари ифодаланган. Узбекистон фуқаролари олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайлайдиган ўз вакиллари оркали давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этадилар.

Сайлов ҳуқуки ҳақида гап кетгандা, одатда, унинг аспектларини иккига ажратишади: объектив ва субъектив сайлов ҳуқуки. Булардан биринчиси – сайлов ҳуқуки нормалари тизими, яъни асосини ташкил қилувчи принциплари, тизимлари, тартиби, жарёни ва сайловни ташкил қилиш кафолатлари. Иккинчиси – давлат томонидан маълум бир шахсни сайловда қатнашиши (пассив ёки актив сайлов ҳуқуки) таъминланишинг кафолатланиши.

Сайлов ҳуқуки энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири булиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар томонидан ўз сайлов ҳуқуқларининг ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширилиши давлат бошқаруvida улар иштирокининг энг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади.

Эркин сайлов ҳуқукининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуки қўргина халқаро хужжатларда¹, жумладан, ЕХХТ нинг Копенгагенда қабул қилинган хужжатида ҳам таъкидланган. Ушбу хужжат талабларига кўра «Иштирок этувчи давлатлар тегишинча ўз фуқароларининг бевосита ёки ҳақиқий сайлов жараёнида ўзлари эркин сайлайдиган вакиллар орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқларини хурмат қиласилар»². Бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб у ёки бу давлатнинг қай даражадаги демократия асосида яшайтганлигига баҳо бериш мумкин.

¹ Каранг: 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжахон декларациясининг 21- моддаси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25- моддаси.

² Каранг: ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари буйича конференция Копенгаген кенгашининг хужжати. Коленгаген, 1990 йил 20 июнь // «ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари буйича хужжатлари» А.Саидов умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2002 йил, 52-б.

Фуқароларнинг сайлов хуқуқларини ўз навбатида актив ва пассив сайлов хуқуқларига бўлиш мумкин.

Актив сайлов ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқариша ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишини кўзда тутади. Бу хуқуқка қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёкатли мамлакат фуқаролари эга бўладилар.

Ёш чегараси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бразилия ва Эронда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара анча юқори қўйилган. Масалан, Малайзия, Марокаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлади. Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган Қонунга кўра сайлов кунигача 18 ёшга тўлган Россия фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун белгиланган ёш 1974 йил 5 июлдаги қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган. Қирғизистонда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқароларниг 18 ёшга тўлган бўлиши кераклиги 1999 йил 29 апрелда қабул қилинган Қирғизистон Республикасида сайловлар тўғрисидаги Кодекс билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда сайлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси 2-бандига биноан 18 ёшга етган барча Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

Фуқаролик цензи барча давлатларда одатий шартга айланган бўлса-да, баъзи ҳолларда бундай цензнинг йўқолиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ўзига хос тузилма бўлган Европа Иттифоқининг Парламентига сайловлар пайтида Францияда бўлган Германия фуқароси Франциянинг Европа Иттифоқи Парламентига вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу коида Европа Иттифоқига асос солган 1992 йилги Маастрихт Шартномасида кўзда тутилган.

Суд томонидан муомалага лаёкатсиз деб топилганлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар, яъни озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вактинча тўхтатилади.

Пассив сайлов ҳуқуқи, яъни сайланиш ҳуқуқига ҳам маълум ёшга етган, муомалага лаёкатли фуқаролар эга бўладилар. Турли давлатларда маълум давлат органлариға сайланиш учун белгиланган ёш чегараси турлича бўлиши мумкин.

Актив сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидаги ёш цензи маълум давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланса, пассив сайлов ҳуқуқида ёш цензи номзоднинг қайси органга сайланаётганлигига караб турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига, Республика Президентлигига ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт¹. Ундан ташқари барча номзодларнинг харбий хизматни тўлик ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади.

Ўзбекистонда фуқаролар маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун 21 ёшга, Олий Мажлис депутатлигига сайланиш учун 25 ёшга, Республика Президентлигига сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши керак.

Сайловлар ўtkазиш жараённида хорижий ҳамда миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўtkaziladigan давлат учун сайлов жараёнининг обрусини ошириши мумкин эканлиги халқаро ҳужжатларда эътироф этилган². Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаган ҳолда маълум давлатда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг амалга оширилиши учун қай даражада шароит яратилганлигига ва шунинг натижаси улароқ мамлакатдаги демократик жараённинг қандай кечаетганлигига баҳо берадилар.

Юртимизда бу борадаги ислохотларнинг қай даражада бораётганлигини 2002 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси референдумида иштирок этиб, референдум жараёнини бевосита кузатган халқаро кузатувчилардан бирининг «Референдум келгусида Ўзбекистоннинг халқаро алокаларини кучайтиришда ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади» деган мулоҳазаларидан ҳам билиб олиш мумкин³.

¹ Каранг: *Droit constitutionnel et libertes*, Edition SIREY, 1998, –Р. 50–52.

² EXXKnинг инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген кенгашининг ҳужжати // «EXXТнинг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари», А.Сайдов мухаррирлиги остида. – Тошкент: 2002 йил, 54-б.

³ «Ўзбекистон Республикаси референдуми хорижликлар нигоҳида» // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси, 1-сон, 36-б.

Эркин сайлов хуқукининг амалга оширилиши фуқаролар ижтимоий фаоллигининг ошиб боришига хизмат қиласди. Бундай жамиятда фуқаролар давлат томонидан турли соҳаларда амалга оширилаётган сиёсатга бефарқ бўлмайдилар. Турли қатламдаги аҳоли манфаатларини ҳисобга олмасдан юритиладиган давлат сиёсати эса, салбий оқибатга олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида фуқароларнинг фаоллиги сустлашиб, сайловларда қатнашиш камайиб кетиши мумкин.

Жаҳон конституциявий ҳуқуқида **абсентеизм** деб атала-диган ибора мавжуд бўлиб, ушбу ҳолат сайловларда овоз беришда ва референдумда ихтиёрий қатнашмасликни билдиради. Бунда сайловчилар ўз ихтиёрлари билан сайловларда қатнашмайдилар, чунки ким депутат булиши, ким давлат бошлиғи булиши, қўйилган масаланинг қандай ҳал қилиниши уларни қизиктирмайди. Бу эса давлат барқарорлигига хавф соладиган дара-жадаги оқибатларга олиб келиши мумкинки, бу 2002 йилда ўтказилган Франция Президенти сайловларида яққол намоён бўлди¹. Бундай ҳолатни бошқа хорижий мамлакатлар тажриба-сида ҳам учратиш мумкин.

Ўзбекистонда сайловчиларнинг овоз беришдан ихтиёрий воз кечиши холлари жуда кам учрайди. Сунгги парламент ва Президент сайловларида ва 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда 90 фоиздан ортиқ сайловчи овоз беришда иштирок этганлиги Ўзбекистонда сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги юқори эканлигидан дарак беради.

Демократиянинг асосий шаклларидан бири бу – давлат ва жамият хаётининг муҳим муаммоларини умумхалқ муҳокама-сида ўз ечимини топиши референдум ҳисобланади.

Референдум атамаси лотин тилидаги «Referendum» сўзидан олинган бўлиб «хабар берилиши лозим бўлган» деган маънони англатади. Унинг ҳозирги моҳияти фуқароларни давлат ва жамият хаётида бевосита иштирок этишини билдиради. Баъзи мамлакатларда (Югославия) сайловларнинг барча турлари референдум деб аталади.

¹ Қаранг: L'Etat du monde Annuaire économique et géopolitique 2003, Paris, Decouverte, P 497.

Сайловлардаги овоз беришнинг референдумдан фарқи шундаки, у бирон-бир шахс мандатига юридик куч бермай, балки муайян масалани ҳал қилишга қаратилгандир. Конституция ва қонунларда белгиланган қоидалар асосида референдум орқали қабул қилинган қарор ҳалқ иродаси ҳисобланади ва унинг юридик аҳамияти, одатда, парламент томонидан қабул қилинган қонун ва қарорлардан устун бўлади. Референдумда қабул қилинган қарорлар фуқароларни муайян қўйилган масалага тасдиқловчи ёки рад қилувчи жавоби шаклида қабул қилинади.

Сайловчиларнинг овоз бериши баъзан плебисцит деб ҳам аталади (лотинча plebiscitum – ҳалқ қарори). Ҳуқуқий жиҳатдан референдум ва плебисцит ўртасида хеч қандай фарқ йўқ: улар тўлиқ синонимлардир. Бироқ, стилистик фарқ мавжуд бўлиб, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига доир референдум қоида тариқасида плебисцит деб аталади. Масалан, фуқаролар овоз бериш йўли билан ҳал қилинадиган, тегишлилик жиҳатидан бахсли худудлар мақоми ҳақидаги, бошқарув шакли ҳақидаги, давлат бошлиги ҳақидаги масалалар кўриладиган референдум расмий ёки норасмий равишда плебисцит деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида мустаҳкамланганидек, «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари умумхалқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади»¹.

2001 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунда таъкидланганидек², референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ўтказилади ва сайловлар билан бир қаторда ҳалқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиб, факат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 5-б.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги конуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Тошкент: 2001. 5-сон.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда иштирок этиши ихтиёрийдир ва ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади, хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл кўйилмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 29 декабрда ўтказилган референдуми, Олий Мажлис томонидан 1991 йил 31 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустакиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунни бир овоздан маъқуллади ва ўз келажак давлат қурилишининг мустаҳкам пойдеворини яратганликларини бутун дунёга маълум қилди¹.

Фуқароларни референдумда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш ва хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очик ва ошкора амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 май куни қабул қилинган «Фуқаролар сайлов ҳукукларининг кафолатла-ри тўғрисида»ги Конунига кўра: «Сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ҳукуқига эга ва уни назорат этишга йўл кўйилмайди, вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳукуқига эгадирлар². Унга кўра, сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга референдумларда, сайловларда бевосита қатнашиш ҳукуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида кўрсатилишича: «Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳукуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуктаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳукуқига эга»³.

¹ Инсон ҳукуклари. Ўкув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 244-б.

² Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳукукларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Тошкент: 1994. 5-сон, 127-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 8-б.

Фукароларнинг ўз ижтимоий фаолликларини митинглар, йиғилишлар ва намойишлар йўли билан амалга ошириш хукуқларини Ўзбекистон Республикаси тан олади ва кафолатлайди.

Митинг бу – сиёсий масалалар мухокамаси учун йифилган жамоа йиғилишидир.

Йиғилиш бу – ёпиқ иморатда ёки бирор хонада ўтказиладиган, маълум бир масалаларни муҳокама килиш ва қарор қабул қилиш учун йифилган шахсларнинг мажлиси. Мажлис шаклидаги йиғилишлар мажлис ташкилотчилари томонидан иштирокчилар сонини чегаралаш учун танланиши мумкин, лекин бу йиғилишларнинг асосий моҳиятини белгиламайди.

Намойиш – бу ижтимоий сиёсий норозиликнинг очик кўриниши бўлиб, намойишчиларнинг у ёки бу масалалар бўйича оммавий тарздаги очик муносабатлардир. Намойиш асосан митинг билан бошланади ва тамом бўлади¹.

Давлат фукароларнинг бу хукуқини амалга ошириш мақсадини кўзда тутиб, уларга биноларни, майдонларни ва кўчаларни бериш, ахборотларни кенг тарқатиш, оммавий ахборот во-ситаларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Давлат ишларини бошқаришда фукароларнинг иштирок этиш хукукларига бевосита алоқадор бўлган муҳим хукуклардан бири, бу фукароларнинг ўз манфаатларини химоя қилиш мақсадида **касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш** хукуқидир (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддаси).

Бу хукуқ фукароларга юкорида айтиб ўтилган мақсадларда ижтимоий уюшган фаолият олиб боришнинг турли шаклларига бирлашиш, у ёки бу вазифаларни бажариш учун кучларини умумлаштириш имконини беради.

Ижтимоий уюшмалар фукароларнинг сиёсий фаоллиги ва ўзларини намоён қилишларини ривожлантиришга, уларнинг турли эҳтиёжларини кондиришга кўмак беради.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хукуки. Масъул мухаррир А.Х.Саидов. – Тошкент: Молия, 2002. 271–272-б.

Фуқароларнинг уюшмалар аъзолигига қабул қилиниши ёки кириши, унинг низомида ёзилган шартларга мувофик, кунгилли равишда амалга оширилади.

Сиёсий партиялар, Конституциянинг 60-моддасига асосан, турли табака ва гурухларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Конституцион нормага асосан жамиятда туб маънодаги кўп партиявийликни шакллантириш учун 1996 йил 26 декабрда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Конун¹ қабул қилинди.

Мазкур Конуннинг 1-моддасига асосан: «Сиёсий партия – қарашлари, кизиқишлири ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, жамият муайян қисмининг давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини рӯёбга чиқаришга интилевчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кўнгилли бирлашмасидир».

Сиёсий партиялар тўғрисидаги ушбу конунда сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият курсатиш принциплари, улар фаолиятининг кафолатлари, уларни тузиш тартиби, низоми, рўйхатга олиш, фаолиятини тұхтатиш тартиби, уларнинг ҳукуқлари, вакиллик органларидағи партия фракциялари, гурухларининг мақсади, вазифалари тўлиқ курсатиб берилган.

Сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиб истагида бўлган камида йигирма минг фуқаронинг имзоси булиши талаб этилади.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Агар сиёсий партиянинг устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига,

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Конуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент: 1997. 1-сон, 36-модда.

ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки олдинроқ худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати рўйхатга олинган бўлса, бу партия рўйхатга олинмайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вактда тўртта сиёсий партия мавжуд бўлиб, улар қўйидагилар: Халқ демократик партияси, «Адолат» социал демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси¹.

Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар халқ билан ҳокимиёт ўртасида асосий боғловчи бўғин бўлган демократик институтга тезроқ айланиши ғоят мухимdir. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий муаммоларига фуқаролар қизиқиш билан қараганларида, улар у ёки бу партия ёхуд ҳаракатнинг фаолиятида маданиятли иштирок этганларидагина буни амалга ошириш мумкин.

Давлатимиз мавжуд барча сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қиласди, уларнинг ижтимоий турмушда иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратиб беради. Лекин ҳеч қайси партияга алоҳида имтиёз бермайди. Сиёсий партияларнинг барча соҳада тенг ҳуқуқлилиги кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида яна шу алоҳида қайд этилганки, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 30 апрель Қонуни² 7-моддасига кўра, Давлат қонун орқали сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг фаолияти, уларни молиялаштириш, рўйхатдан ўтказиш, бошқа давлат органлари билан бўладиган муносабатларини тартибга солади. Сиёсий партия, агар у Ўзбекистон

¹ Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва баркарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 152-б.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонуни // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 21-сон, 248-модда.

Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига сайлов яқунлари бўйича «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Конунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига мувофиқ Конунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш хукуқига эга бўлади.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳакининг икки фоизини Конунчилик палатасига ўтказилган охирги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси миқдорида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида: «Хар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хукуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибида ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт», – деган коида мустаҳкамланган.

Фуқароларнинг мурожаатлари мазмунига кўра уч шаклда булади.

- 1) таклиф;
- 2) ариза;
- 3) шикоят.


Кўриб чиқилаётган хукуқнинг тўлиқ таъминланиши, биринчи навбатда, бошқариш маданияти даражаси, ваколатли давлат органлари хизматчиларининг масъулияти ва онги билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги даврда амалга оширилаётган ислохотларининг бош мақсади – мамлакатимизда инсонпарвар демократик хукукий давлат барпо этишдир. Бу эса республикамизда кечётган сиёсий-хукукий жараёнларнинг шиддат билан ривожланиши шароитида ижти-


моий муносабатларнинг шаклланиши ва уларни хуқуқий тартибга солинишини тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари фуқароларнинг сиёсий хуқуқларини, ўз сиёсий-ижтимоий фаолликларини амалга оширишларини кафолатлади. Лекин ҳар бир фуқаро ўзининг Конституция ва қонунларда белгиланган хуқуқ ва эркинликларини билиши лозим. Фуқароларимизнинг хуқуқий билимлари қанчалик юкори бўлса, давлатимизнинг олдига қўйган мақсадига эришиши шунчалик осонлашади.

9-схема



10-схема



11-схема



ЁШЛАРДА СОЛИҚ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ҮЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Қадим юонон файласуфи Демокрит: «Қонунлар уларга итоат этувчиларгагина үзларининг ижобий томонларини намоён қиласдилар», – деганда ҳар бир инсон қонунларни ўрганиши ва уларга амал қилишини назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Шу аснода мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қонун ижодкорлигини амалга ошириш, қонун хужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларга халқчил тилда етказиш, инсонларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш йўлида аниқ дастурларга асосланган ҳолда бир қатор ишларни амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда кечеётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш ҳуқуқий тарбиботларнинг асл моҳияти ҳисобланади. Албатта, амалга оширилаётган ислоҳотлар хақида гапирганимизда ёшларимизнинг ҳар бир йўналиш бўйича юксалтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб олишимиз керак. Бу борада ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, шахсий ҳуқуқлари билан биргаликда иқтисодий билимларини ҳам янада ошириш ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлайди.

Маълумки, иқтисодиётнинг негизи – бу соликлар ҳисобланади. Иқтисодий билимларни мустаҳкамлашда, даставвал, соликлар мавзусига мурожаат қилишимиз лозим.

Мамлакатимиз мустакилликка эришгандан бўён барча соҳалардагидек, солик сиёсати, солик қонунчилиги, солик тизимини тобора эркинлаштиришга эриша бориш бугунги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки ислоҳотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилаётганлигига бугун барчамиз гувоҳмиз.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувоғиқ, Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсати ҳўжалик юритувчи субъектларга солик юкини янада камайтириш, иш-

лаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан кайта жиҳозлашни рағбатлантириш, фуқароларнинг даромадларини ошириш ва уларнинг харид салоҳиятини кўпайтириш, солик маъмуриятчилигини соддалаштириш ва такомиллаштиришга қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида: «Фуқаролар қонун билан белгиланган соликлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурилар», – деб белгиланган. Демак, солик тўлаш бизнинг конституцион бурчимиз хисобланар экан. Қонун билан белгиланган соликлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш борасидаги конституциявий мажбурият жамиятда яшаётган ва давлат фоалиятининг натижаларидан фойдаланаётган инсон ва фуқарога энг оддий талабдир.

Солик кодексининг 12-моддасида «солик» тушунчасига куйидагича таъриф берилган: «Соликлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бефараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади». Ёки оддий килиб тушунтирадиган бўлсак, юридик ва жисмоний шахслар даромадларининг маълум бир қисмини давлат бюджетига мажбуран ундириш хисобланади. Табиийки, савол туғилади: «Соликларни нима учун тўлаймиз?» Куйида ушбу саволга жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Иктисадий адабиётларда келтирилишича, солик давлатчиликнинг илк кўринишлари шаклланган Қадимги Гречияда (эрамиздан аввалги IV—I асрларда) намоён бўла бошлаган. Лекин мозийга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, илк ибтидоий жамият даврида ҳам соликларнинг дастлабки кўринишлари мавжуд бўлган, яъни қабила эркаклари овлаб келган ов маҳсулотларининг бир қисмини қабила бошлиғига мажбуран берган ва мажбурий ажратмалар қабиладаги кариялар, аёллар, боқувчишини йўқотганлар ҳамда ов жараёнида овга лаёқатсиз булиб колган қабила аъзоларига тарқатилган.

Молия вазирлигининг хисобот маълумотларига караганда, давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини соликлар ва мажбурий тўловлар ташкил этади. Бизнинг наздимизда, солик-

ларнинг қайта эквивалентлиги яққол кўринмайди, лекин маориф, маданият, иқтисодиёт, оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш, спорт, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, марказлаштирилган инвестициялар, давлат бошқаруви органлари ҳамда судлар, прокуратура органлари, Адлия муассасаларини сақлашга ва бошқа барча-барча харажатлар давлат бюджети даромадлари эвазига амалга оширилади. Мисол учун, 2006 йилда биргина ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш учун сарфланган харажатлар давлат бюджетининг 51 фоизини ташкил этган бўлса, 2007 – «Ижтимоий ҳимоя йили»да эса бу кўрсаткич 53,8 фоизни ташкил этди ва 2007 йилнинг ўзида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар хисобидан салкам 484 миллиард сўм маблағ сарфланганлиги бу соҳада амалга оширилган улкан ишларнинг ҳажми ҳамда салмоғини яққол намоён этади. 2008 йилда эса бу кўрсаткич кариб 54,6 фоизни ташкил этган. 2010 йилги Давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш харажатлари улуши 2009 йилги 55,6 фоиздан 59,1 фоизгача оширилиши, шунингдек мухим йўналиш саналган таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига 2010 йилда 1431,9 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган¹.

Демак, истиқболимизда инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш борасида бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгаяди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқукий асосга эга бўлган ижтимоий ҳимоя тизими шаклланган.

2009-2010 йиллар давомида ўтказилган ҳуқукий тарғиботлар давомида айrim ёшларимиз томонидан солиқлар ҳамда коммунал тўловлар орасидаги фарқларни чалкаштириб юбориш холатларининг гувоҳи бўлдик. Ушбу рисола орқали таъкидлашимиз лозимки, солиқлар юридик ва жисмоний шахслар даромадларининг маълум бир қисмини давлат бюджетига мажбуран ундириш ҳисобланса, коммунал тўловларни эса биз давлат бюд-

¹ ЎзР Молия вазирилигининг ҳисбот маълумотлари: www.mf.uz.

жетига эмас, балки ўша хизматни амалга ошираётган ташкилотга тұлаймиз.

Шундай экан, солиқлар кимнингдир бойиши учун эмас, балки мамлакат ақолисининг фаровон турмуши ҳамда давлатнинг буюк келажаги учун ундирилади.

Кореяліклардан «Корея қандай қилиб бугунғи тараққиёт поғонасига чика олди?» деб сұраганларида, унинг фуқаролари күннинг бир қисмини Буюк Корея учун, яна бир қисмини буюк корпорация учун, яна бир қисмини эса буюк халқи учун сарфлаёттаганини таъкидлашган. Малайзияліклар таъбири билан эса, мамлакат ривожи жамиятда ёлғонни йүқотиш билан белгиланар экан.

Ўзбекистон ҳам, ўзининг одил ва доно юртбошиси, тұғри танлаган йўли ва кечәётган изчил ислоҳотлари орқали яқин келаҗакда ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши, шубҳасиз.

Мавзуга қайтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил декабрь ойидаги ПҚ-1245-сон Қарорига мурожаат қилиб, унга асосан 2010 йил учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг қўйидаги янги ставкаларини таъкидлаб ўтишимиз лозим:

Солиқ солинадиган даромад

Энг кам иш ҳақининг олти бараваригача микдорда

Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача микдорда

Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори микдорда

Солиқ ставкаси

Даромад суммасининг 11 фоизи

Олти баравар микдордан солиқ+энг кам иш ҳақи микдорининг олти бараваридан ошадиган суммадан 17 фоиз

Ўн баравар микдордан солиқ+энг кам иш ҳақи микдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз

Солиқ ставкаларини пасайтириб бориш солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан хисобланади. Жумладан, 1998 йилдан 2010 йилгача ушбу солиқнинг юқори чегараси 45%дан 22%гача, оралиқ чегараси 30%дан 17%гача, қуйи чегараси

эса 15%дан 11%гача камайтирилди. Мазкур солиқ ислоҳотлари жисмоний шахслар даромадини ошириш ҳамда уларнинг даромадлилик даражасини самарали таъминлаш мақсадида амалга оширилган, десак асло муболаға бўлмайди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини хисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини кўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ой учун энг кам иш хақларининг суммаси) хисобга олинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг хисоблаб чиқарилган суммаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобваракларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Келинг, энди буларни аниқ бир мисолда кўрайлик. Масалан, А. жисмоний шахсга январь ойи учун 400 000 сўм иш ҳақи хисобланди. 2010 йилнинг январь ойида энг кам ойлик иш ҳақи 37680 сўм¹ни ташкил этади.

1. Энг кам иш ҳақи олти бараварининг 11%ини хисоблаймиз. $37680 \times 6 = 226080$ сўм

$$226080 \times 11\% = 24868,8 \text{ сўм} - \text{солиқ суммаси}$$

2. Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорни хисоблаш учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан 226080 сўм (энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдори)ни чегириб унинг 17 фоизини хисоблаймиз.

$$37680 \times 10 = 376800 \text{ сўм.}$$

$$376800 - 226080 = 150720 \text{ сўм}$$

$$150720 \times 17\% = 25622,4 \text{ сўм} - \text{солиқ суммаси}$$

3. Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (376 800)дан то 400 000 сўмгача бўлган суммани хисоблаб, унинг 22 фоизини хисоблаймиз.

$$400000 - 376800 = 23200 \text{ сўм}$$

$$23200 \times 22\% = 5104 \text{ сўм} - \text{солиқ суммаси}$$

¹ Каранг: Узбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ – 4224-сонли (иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида)ги Фармонига биноан 2010 йилнинг I августидан энг кам ойлик иш ҳақи 45 215 сўм деб белгиланди.

4. Энди жами солик суммаси йиғиндисини хисоблаб, уни хисобланган иш ҳақи миқдори (400 000 сўм)дан чегирамиз.

24868,8+25622,4+5104=55595,2 сўм – жами солик суммаси

400000-55595,2=344404,8 сўм – солик ундирилган-дан кейинги сума

Бундан ташқари, хисобланган иш ҳақидан Касаба уюшмасига 1%, 2010 йилдан бошлаб эса фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалига (Пенсия фондига) 4% (2009 йилда 3,5% эди) ҳамда 2005 йилдан бошлаб фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига 1% каби тўловлар мавжуд.

5. Касаба уюшмасига ажратма

400000x1% =4000 сўм

6. Пенсия фондига ажратма

400000x4% =16000 сўм

7. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобваракларига ажратма базаси хисобланган иш ҳақи (400000 сўм) бўлиб, натижа жами солик суммаси (55595,2 сўм)дан камайтирилади.

400000x1% =4000 сўм

55595,2-4000=51595,2 сўм – давлат бюджетига тұла-нарадиган солик суммаси

8. Демак, хисобланган иш ҳақидан барча тўловларни чегирамиз.

400000-55595,2-4000-16000=324404,8 сўм – тўланади-ган иш ҳақи миқдори

Бундан ташқари, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг Узбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида таълим олишлари учун тўланадиган маблағлар, шунингдек Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобваракларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларни солик солинадиган жами даромаддан чегириш кўринишида қўшимча имтиёзлар жорий этилди.

Юқорида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солинини хисоблаш ва давлат бюджетига тўлаш тартибини имкон Кадар соддароқ қилиб кўрсатишга харакат қилдик. Бизнингча, ҳар бир Узбекистон фуқароси соликлар ҳақида маълум бир


маълумотга эга бўлса, хеч бўлмаганда ўз иш хақидан қанча солик тўлашини билиб олса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Соликларни давлатнинг «қон томирлари»га ўхшатиш мумкин. Инсониятнинг яши учун «қон томирлари» накадар муҳим экан, соликларнинг ҳам давлат учун аҳамияти шунчалик муҳимдир.


Хулоса қиладиган бўлсак, солиқсиз давлат бўлмаганидек, давлатсиз солик ҳам бўлмайди. Бундан эса соликларни ўз вақтида, тўлик ва онгли равишда тўлашимиз лозимлиги кўриниб турибди.

12-схема

2006–2010 йиллар мобайнида ижтимоий ҳимоя соҳасига давлат бюджетидан ажратилган пул маблағлари



**1998 йилдан 2010 йилгача даромад
солиғининг ставкалари**



ОДАМЛАР САВДОСИ (ТРАФФИГИ) БИЛАН БОҒЛИҚ ХАЛҚАРО ЖИНОЯТЧИЛИК, УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Мамлакатимизда ривожланишнинг «утиш» даврини бошдан кечирган ривожланган давлатлар сингари ташқи миграциянинг ўсиши табиий. Албатта, бу хол ҳар бир ривожланаётган давлат учун ижобий ҳолат бўлиб, бўш турган ишчи кучи эвазига мамлакатга четдан катта миқдорда капитал кириб келишига олиб келади.

Хозирги кунда жаҳон миёсида инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, уларнинг ишончли кафолатларини яратиш устида қизғин мунозаралар бўлаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Инсониятни яшаш ҳуқуқи ва у билан боғлиқ турли ижтимоий, ҳуқуқий муаммолар ташвишга солмоқда. Масалан, одам савдоси, клонлаштириш, баъзи давлатларда амал қилаётган ўлим жазоси, эвтаназия ва бошқалар. Бу ҳуқуклар, олимларнинг эътироф этишларича, инсон ҳуқуқларининг тўртинчи авлоди туркумiga киради. Мазкур муаммоларнинг купчилиги айрим давлатлар ва мутахассислар томонидан кўллаб-куватланаётганлиги бу масалада жиддий тұхтамга келиш заруриятини вужудга келтирмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммолар жамият тараққиётининг ривожланиши билан чигаллашиб бормоқда. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги бир масала ўз ечимини топса, вазият яна шундай муаммолардан бир нечтасини вужудга келтирмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қонуний ҳимоя килиш масалалари вужудга келганидан бошлаб орадан кўплаб асрлар ўтди. Шу билан бирга, янги иктисодий, сиёсий, ижтимоий вазиятлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳозирги қўринишини доимий таҳлил қилиб туриш эҳтиёжини яратади. Шу сабабли ҳам инсон ҳуқуқлари муаммоси ҳозирги куннинг, айтиш мумкин бўлса, бутун инсониятнинг энг долзарб муаммолари дандир¹.

¹ Каранг: А.Юлчиев, М.Асланов, Одамлар савдоси (траффиги)га қарши курашнинг ҳуқуқий жиҳатлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. 21-б.

XXI асрда инсон ҳуқуклари ва эркинликлари ўзаро қарама-каршиликлар ҳолатида ривож топиб бормоқда. Бу қарама-каршиликлар эски ривожланиш босқичларида сақланиб қолган ва янги тараккӣёт таъсиридаги номутаносибликлар асосида пайдо бўлган¹.

Нима бўлганда ҳам инсоният бугун долзарб муаммолар қаршисида турибди. Уларнинг асл сабабчиси ҳам унинг ўзи, муаммоларни ҳал қилиш ҳам факат унинг қўлидадир. Бунинг учун эса, муаммонинг барча жихатларини англаб етиши ва барча кучларини бирлаштирган ҳолда кураш олиб бориш лозим.

Бугунги кунда инсон ҳуқукларини таъминлашда маълум бир даража ва тажрибага эга бўлган Ўзбекистон учун ҳам одам савдоси, яъни трансмиллий жиноят катта хавф туғдирмоқда.

Бош комусимизда белгилаб қўйилганидек, «ҳеч ким қийнокка солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиикқа дучор этилиши мумкин эмас»².

Рақамларга мурожаат қиласиган бўлсак, дунёда ҳар куни 200 мингдан 500 мингга қадар одамлар Шимолий Европа мамлакатларига одам савдоси обьекти сифатида ўтказиладилар. Уларнинг 60 фоизини аёллар, 40 фоизини эркаклар ташкил этади. Дунё бўйлаб одам савdosидан жиноятчиларнинг чўнтағига келиб тушадиган фойда 10–15 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу кўрсаткичларни бутун бошли жиноий уюшмалардан тортиб майда гурухларнинг файриқонуний манфаатларида ҳам кўриш мумкин³.

Хозирги кунда одам савдоси ёки шунга ўхшаш бошқа жиноятчилик турлари тўғрисида аниқ рақамларни келтириш жуда мушкул хисобланади. Бу ҳолат ушбу жиноятнинг латентлиги, яъни очилмай қолиш даражасининг юқорилиги билан изоҳланади⁴.

Бутун дунёда авж олиб бораётган ҳамда тобора кўпроқ курбонлар берилаётган, аллақачонлар «қора бизнес»нинг энг сер-

¹ Қаранг: Права человека основополагающие принципы. –М.: 1994.г. С. 4.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 40-б.

³ Специальный представитель ОБСЕ по борьбе с торговлей людьми. Хельга Конрад. Великая Эпоха: <http://www.epochtimes.ru>

⁴ «Торговля людьми – это нарушение прав человека». <http://www.demaz.org>

даромад турига айланиб улгурган ушбу жиноий ҳодиса инсоннинг узвий ва дахлсиз хукуқларини поймол қиладиган, унинг кадр-кимматини камситадиган ваҳшиёна килмишdir.

Халқаро одам савдоси – инсоннинг қадр-кимматини поймол қилиш демакдир. У нафақат сиёсий, иқтисодий ёки хуқукий муаммо, балки бутун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари билан боғлиқ масала ҳамдир. Унга қарши курашиб учун эса мавжуд имкониятларимизни бирлаштиришимиз ва ишлаб чиқилган механизмнинг барча томонларини ишга солишимиз даркор.

Маълумки, хуфёна иқтисодиёт халқаро жиноятчиликнинг туб ўзаги бўлиб, замонавий криминал тузилмаларнинг шаклланишига моддий асос бўлади. Хуфёна иқтисодиётнинг умумжаҳон миқёсидаги улуши ички ялпи маҳсулотнинг 5–10 фоизи микдорида, Африка ва баъзи Жанубий Америка мамлакатларидаги эса, бу кўрсаткич 30 фоизга ҳам етган. Баъзи эксперталарнинг баҳосига кура, Россияда хуфёна иқтисодиётнинг улуши 40–50 фоизни ташкил қиласди¹.

Хуфёна иқтисодиёт турли хил манбалар орқали янада кенгайишга, тармокланишга ҳаракат қилаётганлиги сезилмокда. Халқаро миқёсдаги наркобизнес, курол-яроғларнинг ғайриқонуний савдоси ва одамлар савдоси хуфёна иқтисодиётнинг энг асосий манбалари хисобланади. Ушбу манбалардан даромад олиш фақатгина ташкилий жиҳатдан юқори даражада уюшган трансмиллий жиноий тузилмаларнинг имконияти доирасидадир.

Уюшган жиноятчилик, хусусан халқаро терроризм, наркобизнес, қурол-аслаҳаларни ғайриқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар каторида одам савдосининг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиб муаммоси нафақат халқаро хукуқ, миллий жиноят хукуки учун ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

«Траффик» атамасининг луғавий маъносига эътибор берадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, ҳозирги вактда халқаро хукуқда одам савдоси «траффик» атамаси билан ифода этилмокда. «Трафико» италянча, «тижорат», «савдо» маъносида ифодаланган.

¹ Каранг: Ортиков А., Исходжаев А., Шестаков А., Хуфёна иқтисодиёт: Ўкув кулланмаси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. 25-б.

Бу сўз дастлаб «табак траффик» шаклида қўлланилган бўлиб, узбекча маъноси тамаки савдоси, тамаки билан тижорат қилиш лемакдир. Кейинчалик италияликлар уни қисқача «траффик» деб аташга одатланганлар. Шу тарзда «трафф» – сўз ўзаги асосида янги сўз – траффикант, яъни савдо қиладиган дўкон эгаси, дукондор сўзи келиб чиққан¹.

Фикримизча, она тилимизнинг соғлигини асрар, шунингдек ушбу сўзни тушунишда қийинчилик туғилмаслиги учун хукуқшуносликда «одамлар траффиғи» ўрнига «одам савдоси» атамасидан фойдаланган маъқул. «Траффик» сўзини ишлатиш шарт деб ҳисобланса, уни кавс ичидан изоҳ тариқасида ёёса ҳам бўлади².

Аслида «траффик» сўзи «харакат» маъносини англатиб, олимлар томонидан маълум ашёларни ёки одамларни ғайриконуний равишда, бараз мақсадларни кўзлаб, бир худуддан бошқа худудга утказиш маъносида ишлатилади. Наркотраффик, қурол-яроғлар, инсонлар траффиғи тобора хатарли тус олиб, умумбашарий вабога айланган. Наркотраффик ва қурол-яроғлар траффиғи инсон хукуқлари бузилиши учун замин яратса, инсонлар траффиғи инсон хукукларининг тўғридан-тўғри бузилиши ҳисобланади, бу эса, ушбу жиноятнинг алоҳида ижтимоий хавфлилигини белгилайди³.

2000 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидағи Конвенциясига одам савдоси ва айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тақиқлаш ҳамда бундай хатти-харакатларга нисбатан жазо қўллаш тўғрисидаги кўшимча Баённома»сида «одамлар савдоси» тушунчasi ўзининг расмий изоҳига эга бўлди.

Баённомага биноан, «одамлар савдоси» эксплуатация қилиш мақсадида одамларни куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан Кўркитиб ёки бошқача мажбурлаш чораларини қўллаб ёхуд

¹ Инсонлар савдосига қарши курашнинг хукукий масалалари. – Тошкент: ТДЮИ, 206. 27-б.

² Каранг: М.Ражабова. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий тахлил. – Тошкент: Адолат, 2005. 89-б.

³ Каранг: «Инсонлар траффиғига қарши халқаро-хукукий кураш жихатлари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: 2006. 3-б.

үғирлаб ёки фиригарлик йўли билан ёхуд алдаш ёки давлат ваколатларини, тутган мавқенини суиистеъмол қилган ҳолда ёки бир шахснинг назоратидаги бошқа бир шахсни сотиб олиш йўли билан уларни ёллаш, ўтказиш, ташиш, сақлаш ёки уларни олиш хисобланади.

Эксплуатация шахсни фоҳишабозлик ёки бошқача шаклдаги жинсий мақсадларда фойдаланиш, мажбурий меҳнат, қулликка ёки қуллик билан боғлиқ бошқа одатларга махкум этиш, унинг ихтиёрига қарши сақлаш ёхуд унинг органларини ажратиб олиш билан боғлиқ харакатлардир.

Ушбу протоколда 18 ёшга тұлмаган шахслар «болалар» деб номланған ва улар ҳам одамлар траффигининг жабрланувчиси булиши мумкинлиги таъкидланади¹.

Одам савдоси деганда нимани тушунамиз, унинг моҳияти ва мазмуни қандай? Шуни англагандан сұнггина муаммо моҳиятини очиш мумкин. Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг 2000 йил 19 майда қабул қилинган күрсатмасига биноан: «Жинсий фойдаланиш мақсадида амалга оширилган одам савдоси – бу бир ёки бир неча шахс, юридик шахс, ташкилотларнинг одамларни ташиш, хатто шу одамларнинг ўзи жинсий алоқа мақсадида фойдаланилишга рози бўлган ҳолларда ҳам, уларни қонуний ёки ғайриқонуний тарзда чет давлатга чиқаришни англатади. Бошқа ҳолларда, яъни уларнинг ўзи рози бўлмаганди эса, мажбурлаш, қўрқитиш ёки зўравонлик билан зарар етказилади, унинг ожизлигидан ёки раҳбарлик ваколатидан фойдаланиб ёки товламачилик билан шундай фаолият билан шуғулланишга мажбур қилинади.

Одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг жуда тез ўсиб бораётган ва ниҳоятда сердаромад фаолият тури бўлиб қолмоқда. Агар рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, классик қулдорлик ҳукм сурган тўрт аср давомида унинг савдо айланмасида 12 миллионга яқин одам бўлган бўлса, сұнгги 30 йил ичida биргина Осиёда жинсий қулликка махкум этилган аёллар ва болалар сони 30 миллиондан ортиқдир. Уларнинг жуда

¹ Қаранг: А.Юлчиев, М.Асланов, Одамлар савдоси (траффиғи)га қарши кураш нинг ҳуқуқий жиҳатлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. 35-б.

кatta қисми эса жиноий ташкилотларнинг тазиики остида қулга айлантирилган¹.

Айнан шу масалага 2000 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликка карши курашибга барышланган X Конгрессида ҳам катта эътибор қаратилди.

Руминиянинг Бухарест шаҳрида булиб утган ноконуний миграция ва одам савдоси муаммолари бўйича конференцияда АҚШ Марказий разведка бошқармаси (МРБ) директори Луис Фрининг таъкидлашича, мухокама этилаётган файриқонуний бизнес тури уюшган жиноятчилик фаолиятида қонунга хилоф равишда наркотик моддалари ва курол-яроғ савдосидан сўнг учинчи ўринни эгаллайди. Унинг ҳисоботига кўра, бундай бизнес хар йили 6 миллиондан 8 миллион долларгача даромад келтиради. Бир йилда миллионга яқин аёллар ва болалар криминал савдонинг «тирик товар»ига айланадилар².

Немис олими Лео Кейдель эса, одам савдоси муаммосини чукур урганган холда, «...у уюшган жиноятчиликнинг асосий фаолият турларидан бири ҳисобланиб, криминал фаолият иерархиясида бешинчи ўринни эгаллайди»³, – деган фикрни билдирган.

АҚШ Давлат департаментининг маълумотларига кўра, бутун дунёда хар йили 4 миллионга яқин одам сотилади ва сотиб олинади⁴. Халқаро экспертларнинг таъкидлашларича, замонавий асримизда қулдорларнинг бир йиллик даромади 9,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади⁵. Бошқа бир мутахассисларнинг аниқлашларича, ушбу «бозор»нинг умумий айланма даромади 19 миллиард долларни ташкил этади ва Россия Федерацияси, БМТнинг маълумотларига кўра, «таъминловчи давлатлар» рўйхатида биринчи ўринда туради⁶. Бошқа бир маълумот-

1 Карап: Лучано Виоланте. Деньги в руках преступников опаснее оружие (коррупция, ее причины, жертвы, победы и поражения) // Новая газета. 200 №34.

2 Карап: «Труд» газетаси 2001 й. 24 май.

3 Карап: Leo Keidel / Menschenh ndel als Phemen Organisierter Kriminalit t / Kriminalistik. №5, p.325.

4 Карап: Бабасян Н. В России торгует людьми // Известия. 2002. 7 июнь.

5 Карап: Горай Б. Рабы XXI века // Интерпол-экспресс (Москва) 2003 9 декабрь.

С.2
21 6 Карап: Ягодкин А. Пятнадцать лет за бизнес // Россия (Москва) 2003. ноябрь С.2.

ларга кўра эса, Польша Европа давлатлари ичидаги бундай рўйхатда биринчи ўринни (Россиядан кейин) эгаллаган¹.

Одам савдоси доимо мавжуд бўлиб келган, аммо бу соҳада турли даврларда турли ўзгаришлар бўлиб турган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг Европадан Америка ва Шимолий Африка қитъаларига кенг кўламли миграцияси ҳамда аёлларни Европага сотиш ҳодисаси кузатилди. «Оқкуллик» номини олган бу ҳодисага барҳам бериш мақсадида Парижда 1902 ва 1910 йилларда иккита конференция ўтказилди. Бу конференцияларнинг муҳим ютуғи – «Оқ куллар савдосига қарши кураш» номли Бутунжаҳон конвенциясининг (Париж, 1910 йил 4 май) қабул қилиниши бўлди. Кейинроқ у «Аёллар ва болалар савдосини ўқотиш» (1921 йил 30 сентябрь) ва «Вояга етган аёллар савдосини ўқотиш» (Женева, 1933 йил 11 октябрь) номли Бутунжаҳон конвенциялари билан тўлдирилди. «Инсон савдоси ва фоҳишаликни ўқотиш» (Нью-Йорк, 1949 йил 2 дебрабрь) конвенцияси эса олдинги хужжатлардаги шартларни қисман бекор қилиб, уларни бошқасига алмаштириди².

Инсон хукуклари Умумжаҳон Декларациясининг З-моддасида кўрсатилишича, ҳар бир инсон ҳаёт кечириш, эркинлик ва шахсига нисбатан даҳлсизлик хукуқига эга. Ушбу декларациянинг 4-моддасида ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий хукуқларнинг Бутунжаҳон пакти»нинг 8-моддасида ҳам ҳеч ким инсонни қулликда тутишга ҳаққи ўқлиги, ҳар қандай қуллик, қуллар савдоси қонун томонидан қатъий ман этилиши ҳақида сўз боради. Шунингдек, ушбу нормаларнинг бошқа ҳалқаро шартномалар, хусусан «Инсон хукуқларининг Европа конвенцияси», «Қуллик хусусидаги Конвенция», «Қулликни ўқотиш амалиёти хусусидаги Кўшимча Конвенция», «Бола хукуқлари тўғрисида»ги Конвенция, «Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай шаклларига қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенцияларнинг меъёр ва талаблари билан ўзаро алоқаси, боғлиқлиги мавжуд.

¹ Каранг: Sally W. Stoecker. The Rise in Human Trafficking and the Role of Organized Crime // Demokratizatsiya. Vol.8, No 1. Winter 2000.

² Каранг: А.Юлчиев, М.Асланов. Одамлар савдоси (траffики)га карши курашнинг хукукий жиҳатлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. 38-б.

Олимларнинг фикрича, одам савдоси (human trafficking)нинг кўйидаги белгилари мавжуд:

1. Жабрланувчи ўз давлати чегарасидан қонуний ёки ғайриқонний йўл билан четга чиқарилади. Факат айрим ҳоллардагина одам савдоси бир давлат худудида амалга оширилиши мумкин.

2. Одам савдоси бошқа жиноятлар – ўғирлик, зўрлаш, ОИТС ёки бошқа таносил касалликларини қасдан юқтириш, наркотик моддалар қабул қилишга мажбурлаш ва ҳоказолар билан боғлик бўлади.

3. Жабрланувчилар иккала жинс вакили бўлиши мумкин, аммо кўпинча улар аёллар ва болалар ҳисобланади.

Шунингдек, одам савдоси тармоқларининг тахминан уч тури мавжуд:

1. Глобал масштабга эга бўлган тармоқ. Булар турли сиёсий ва иқтисодий босқичга эга бўлган жаҳон миқёсидаги алоқалар таркибига таянади. Ўзига оғдиришнинг турли усуллари кўлланилади. Одатда транзит мамлакатлар бу тармоқдан фойдаланадилар.

2. Ўрта масштабдаги тармоқ. Бошқа гурухларга аёлларни сотмасдан, уларни бордел ва клубларда ўз назорати остида саклаш билан фарқланади.

3. Кичик масштабдаги тармоқлар. Улар тахминан шундай ишлайди: масалан, клуб эгасига ёки қайсирид мамлакатдаги буюртмачиларга янги аёллар керак. Чет элдаги, фоҳишалар бизнеси оламидаги алоқаларидан фойдаланиб, бундай аёлларга буюртма беради. Аёллар ўзига оғдирилиб, чегарадан ўтказилиб, буюртмачи мамлакатга, муайян жойга етказилади¹.

Одам савдоси (траffик)нинг асосий ва энг хавфли шакллари сифатида кўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) Жинсий эксплуатация обьекти сифатида аёллар савдоси;
- 2) Жинсий эксплуатация обьекти сифатида болалар савдоси;
- 3) Мажбурий меҳнатнинг обьекти сифатида одам савдоси;
- 4) Одамнинг табиий органларини ажратиб олиш (трансплантация) мақсадларида одам савдоси.

¹ Каранг: А.Юлчиев, М.Асланов, Одамлар савдоси (траffики)га карши курашнинг хукукий жиҳатлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. 68-б.

Энди хар бирининг батафсил таҳлилига мурожаат қилсак.

Жамиятни инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбиялаш муаммосини ҳаётнинг ўзи такозо этаётганлигини кўриб турибиз. Бу муаммо замонамизнинг энг мухим муаммоси эканлиги бежиз эмас. Зоро, айнан ушбу муаммо жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ташвишга солмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг салбий кўришилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини аёлларга нисбатан зўравонлик, камситишнинг олдини олишга қаратилган универсал аҳамиятга эга ҳужжатлар ишлаб чиқишига ва қабул этишига ундади. Бу ҳужжатлар аёлнинг оиласидаги бебаҳо ўрнини, болалар тарбиясидаги аҳамиятини, ижтимоий таракқиётдаги ўрнини, ижтимоий қадр-кимматини яна бир бор тасдиқлаб беради. Бундай мазмундаги ҳужжатлар, ҳалқаро меъёрлар қаторида «Аёлларга нисбатан камситишни бартараф этиш тўғрисида»ги Декларацияни алоҳида санаб ўтиш керак. Мазкур Декларация Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1967 йилнинг 7 ноябрида қабул қилинган.

Декларация ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди, унинг курсатмалари тавсия мақомида бўлса-да, аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш борасида унинг аҳамияти бекиёс.

Зоро, айнан Декларация аёлларнинг камситилиши ва зуравонликка учраши сингари ҳаётда учраб турадиган салбий ҳолатларга нисбатан маънавий-рухий норозилик ҳисларини шакллантириши мумкин¹.

Аёлларнинг ҳуқуқсизлиги, яъни уларнинг ҳуқуқий мақомини давлат томонидан тан олмаслик, бузилган ҳуқуқлари юзасидан шикоят ёки арз қила олмасликлари уларни турли жиноий ҳаракатларнинг обьектига айлантириб қўяди. Масалан, аёлларга нисбатан номусига тегиш, баданига оғир ёки ўртача оғир тан жароҳатлари етказиш, мажбурий меҳнатга тортиш каби ҳаракатлар кўп содир этилади.

Аёллар ҳуқуқларининг тўла таъминланишида асосан ҳалқаро нодавлат ташкилотлари турганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир. Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 1975 йил

¹ Қаранг: Ш.Ҳамраева. Аёл ҳуқуқларини химоя қилиш механизмлари (ўкув кўлланма). – Тошкент: Ижод дунёси, 2003. 55-б.

Аёллар йили», 1976–1985 йиллар «Аёлларнинг ўн йиллиги» деб эълон қилинди. Бу давр мобайнида Мехикода (1975), Копенгагенда (1980), Найробида (1985), Пекинда (1995) йирик халқаро анжуманлар бўлиб ўтди.

Аёлларнинг бундай ночор ҳуқукий мақоми уларни жинсий эксплуатация мақсадида фойдаланиш учун ёллаш каби салбий холатларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бугунги кунга келиб эса халқаро одамлар савдоси (траffик)нинг асосий манбаи – бу аёллар ва болалар бўлиб қолди.

Глобаллашув шароитида ҳозирги даврнинг тараққий этган жамиятларида қуллик «қайта тирилди». Бу нарса XVII–XIX асрдагидан кура мураккаброқ кўриниш касб этиб, қулликнинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Унда кора танлилар эмас, балки оқ танлилар устунлик қилмоқда. Булар бизнинг дўстларимиз, танишларимиз, қушниларимиз ҳамда яқинларимиз бўлиши мумкин.

«Эйша Уотч» ташкилоти ва хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича гурух маълумотларига кўра, камида 20 минг аёллар Таиланддаги фохишахоналарда хизмат кўрсатишади. Миграция муаммолари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларнинг маълумотларига биноан ўз мамлакатларидан четга чиқсан хотин-қизлар кўпинча фохишахоналар эгаларига пуллаб юборилади. Уларнинг ҳужжатлари тортиб олиниб, камоқ ҳолатида тутиб турилади. Улар қочишига уринишганларида жисмоний зўравонликка, ўз оиласлари шаънига бўлган таҳқирларга дуч келишади¹.

1993 йил БМТнинг аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги Декларациясида «аёлларга нисбатан зўравонлик» атамасига шундай изоҳ берилади: «Аёлларга нисбатан жисмоний, жинсий ёки руҳий азоб берган ва шикаст етказган ёки етказиши мумкин бўлган ёхуд шунга ҳаракат қилган, мажбурлаб ёки ўзбошимчалик билан озодликдан ва жамиятдан ёки шахсий ҳаётидан маҳрум этишига қаратилган ҳар қандай ҳаракат зўравонликдан иборатдир».

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёлларга нисбатан зўравонлик жаҳондаги барча мамлакатларга, уларнинг сиёсий, иктиносий ва маданий тараққиётидан қатъи назар, хос иллат ҳисобланди.

¹ Каранг: Женщины мира. 1995 год. Тенденция и статистика. ООН. С.225.

Хатточи, энг ривожланган мамлакатларда ҳам шундай ҳолатларни күзатиш мүмкін. Масалан, Японияда 59 фоиз, АҚШда 40 фоиз, Канадада 25 фоиз аёллар жисмоний зұравонлик курбони бўлишмоқда. Социологлар холосасига кура, 60 миллион аёл турли шаклдаги дискриминация қилиш, тахқирлаш ва зұравонлик қурбонидир. Африка мамлакатларида Танзания (60 фоиз), Жанубий Осиё (60 фоиз) ва Лотин Америкасида (57 фоиз) аёлларга нисбатан зұравонлик кучайиб бораётганлигини кўришимиз мүмкин¹.

Брюсселлик таникли адвокат Мишель Хиршнинг фикрича: «Камбағаллик ҳар қандай ҳолатда ҳам одам савдосига олиб келмайди, у факт зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради. Одам савдоси билан шуғулланувчи жиной гурухлар аёлларни ёлғон въядалар билан ғарб давлатларига олиб келишади, бундан кўзланган мақсад – моддий манфаатдорликдир»².

Одатда, аёлларни ёллаш турли маҳаллий газеталарда чет элда ишлаш таклифи билдирилган эълонлар бериш орқали амалга оширилади. Хотин-қизлар учун уй хизматчиси, ошпаз, болалар қаровчиси, котиба бўлиш, официанткалиқ, стюардессалик таклиф килинади. Юқори маош ва кулай иш шароитлари тұғрисида маълумотлар берилади. Кўпинча, бундай маълумотлар Интернет сахифаларида ҳам, хатточи машхур, обрули фирмалар номидан ҳам берилади.

Ушбу таклифларга кўнган хотин-қизлар эса, тез фурсатда узлари ҳақидаги маълумотларни «иш берувчилар»га тақдим эта дилар. Ўз навбатида эса, «иш берувчилар» ҳам уларга виза ва бошқа хужжатларни расмийлаштиришда, хатточи йўл чипталарини олишда ҳам «беминнат» кўмак берадилар. Яна шуни ҳам айтиш керакки, хорижий мамлакатга жўнатилаётган қизлар одатда ёшларини яширган холда туғилганлик тұғрисидаги гувохномалари билан олиб кетиладилар. Баъзи ҳолларда эса, улар шу ернинг ўзида сохта никоҳдан ўтказилади. Одатда, сох-

¹ Карагн: Ф.Бакоева. «Аёллар хукуклари ва эркинликлари». – Тошкент: Адолат, 2002. 100-б.

² Карагн: М.Хирш. Аёллар савдосига ва фохишабозликка мажбурлашга қарши кураш харакат режаси. – Страсбург, Европа Кенгаши, 1996.

та никох учун «хотинликка олаётган шахс»га 50 доллардан 200 долларгача миқдорда пул берилади¹.

Асосан бундай «қора бизнес» билан шуғулланадиган тузилмалар икки бүғинли бүлади. Яъни, маълум бир одамлар «товар»ларни излаб топиш ва етказиш билан шуғулланадилар. Бошқалари эса, бевосита бу «тирик товар»ларни реализация килиш билан машғул бўлишади².

Ушбу жиноятчиликнинг виктимологик хусусиятларига тўхтадиган бўлсан, жабрланувчиларнинг шахси турлича жиҳатларга эга. Фохишалик билан шуғулланувчиларнинг деярли 3/4 қисми 30 ёшгача бўлган аёллардир. Сўнгги йилларда «қўхна касб билан шуғулланувчилар» орасида 13–14 ёшда бўлган, ҳаттоқи 10–12 ёшдаги болалар ҳам учрамоқдалар³.

Бундай бизнес тури фақатгина охирги ўн йилликда шундай катта ҳажмда ривожланиб кетди. Гарчи, 1926 йилда қуллик тўғрисидаги Конвенция, 1966 йилда фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисидаги Бутунжаҳон пакти қабул қилинган бўлса ҳам, унда ҳеч ким инсонни кулликда ушлашга ҳаққи йўқлиги, ҳар қандай қуллик ва одам савдоси тақиқланганига қарамай, XXI асрда шундай муаммо мавжуд бўлиб турибди. Кейинги во-кеаларнинг гувоҳлик беришича, бу муаммо ҳали бир ечимга келадиганга ўхшамайди. Дунёда бу ҳолат энг долзарб муаммога айланиб бормоқда. Аёллар ва болалар одам савдоси курбонларига айланмоқдалар. Одатда ўсмирлар ва болалар шафқатсиз шароитларда, фақат озиқ-овқат учунгина суткасига 14 соатлаб ишлаш керак бўлган турли ферма ва заводларга сотилмоқда. Кўпинча ўсмирларни – ўғил болаларни ҳам, қиз болаларни ҳам жинсий эксплуатацияга тортмоқдалар.

1988 йилда Голландияда хорижликлар тўғрисида маҳсус конун қабул қилинган бўлиб, аёлларда фохишалик ҳолатлари кўзга ташланадиган бўлса, уларни дарҳол депортация килиш

¹ Қаранг: А.Юлчиев, М.Асланов, Одамлар савдоси (траффиги)га карши курашнинг хукукий жиҳатлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. 125-б.

² Қаранг: Левченко Е.А. Торговля женщинами: нарушения прав человека или добровольная рабство? // Общественные науки и современность. 2000. №4. С. 63.

³ Қаранг: Алексеев А.И., Герасимов С.И., Сухарев А.Я. Криминологическая профилактика: теория, опыт, проблемы. –М.: 2001. С.469.

назарда тутилган эди. Бирок, кейинчалик, 1993 йили Голландияда ушбу қонуннинг мазкур банди бекор қилинган¹.

БМТ текширувлари натижаси шуни курсатмоқдаки, Непал, Судан, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Габон, Гаити, Мьянма каби давлатларда, айниқса, аҳвол ёмон, бу ерда хукуматдаги коррупция ва таъмагирлик натижасида қуллар савдоси гуллаб-яшнамоқда. Африка давлатлари ҳақида сўз очсак, бу ерларда қуллар савдосини XIX асрнинг 80-йилларидаёқ тақиқлашган. Аммо, «Қора қитъа»да ҳам ҳар йили тахминан 2000 нафар бола сотилади. Уларнинг аксарияти Бенин ва Того давлатларидандир. Бу болалар кўпинча Нигерия ва Габонга бориб қолишади, бу ерда эса уларни ферма ва плантацияларда ишлатишади ёки фохишалар тармоғига қўшиб юборишади.

БМТ маълумотига кўра, ҳар йили 4 миллион аёллар ва эр-каклар одам савдоси курбонига айланадилар. Ҳар йили тахминан 30 000 та одам ёвузилик, қийноқ, ноқулай шароит ва касаллик туфайли ҳалок бўлади. Биргина 1992 йилнинг ўзида АҚШда бутун дунёдан 700 000 нафар одам бу савдо курбонига айланган².

Болалар савдоси (траffики)нинг ўзига хос хусусиятлари. Дунё матбуотида эълон қилинаётган маълумотлар одам савдосига қарши кураш бўйича ҳалқаро жиноят хукуки имкониятларидан ва ҳозирга қадар яратилган воситалардан етарлича фойдаланилмаётганлигини курсатмоқда. Мисол тариқасида айтсак, АҚШда ҳар йили вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик бўйича 150–200 минг янги ҳолатлар аниқланар экан. Англияда 10 фоиздан 30 фоизгача аёллар болалик ва ўсмирик пайтида жинсий зўравонлик жабрини тортишганини, кўплаб ҳолатларда улар жиноятчиларнинг юз тузилишини аниқ кўришмаганини билдиришган.

Бугунги кунда минглаб хусусий фирмалар аёлларга, хусусан, ёш қизларга чет эл мамлакатларида юкори даромад келтирувчи

¹ Қаранг: Торговля женщиными из бывшего Советского Союза. Вынужденная миграция и права человека. Сборник материалов бюллетена «Мониторинг вынужденной миграции». –М.: 1998. - С 112.

² Қаранг: www.humantrafficking.com / Africa/Prevention of traffic in women and children.

ресторанларда официантлик, энагалик, тунги клубларда раққосалик каби ишларни таклиф қилмоқдалар. «Сотувчи»лар қурбони, аксарият 18–25 ёшли қызлар хисобланади, аёллар тунги клубларга раққоса сифатида эмас, балки фохиша сифатида ишга олинадилар. Бирок, айрим ҳолларда 18 ёшгача бўлган ўспирин болалар ҳамда куч-ғайратга тўлган эркаклар ҳам қурилиш ёки кишлоп хўжалиги ишлари учун қул сифатида сотиладилар¹.

Охирги ўн йилда Таиланд фохишалар бозорида Осиё, Лотин Америкаси, Шарқий Европадан келган 50 000 нафар аёл, Камбоджа, Мьянма, Хитой, Лаосдан келган 80 000 нафар аёллар сотилган. Уларнинг ҳаммаси АҚШга келтирилган. Афғон аёллари эса, фохиша сифатида Покистонга сотилган. Сотилган аёлларнинг 80 фоизи 24 ёшдан кичик, ҳатто баъзи болаларнинг ёши 6 да бўлган.

Аёллар ва болаларни фохишалик мақсадида ўғирлаш жараёни тасвирлаб берилмоқда, бундай жиноятлар билан қаттиқроқ курашиш лозимлиги ҳақида кўпроқ айтилмоқда. Чунки, Албанияда аёлларни фохишаликка тайёрловчи лагерлар ташкил қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Албан аёллари, шунингдек ғарб давлатларидағи юкори маошли иш ваъдаси билан бошқа давлатлардан келтирилган 14–22 ёшли аёллар лагерларга қамалганлар².

«United Press International» агентлигининг хабар беришича, «De Paul» институти ахборотида қул сифатида сотилганларнинг 80 фоизи 24 ёшгача бўлганлардир, ҳатто бир неча болалар 6 ёшда бўлишган. Ҳар йили тахминан 30 000 нафар одам ёвузлик билан фойдаланиш, қийнок, касалликлар натижасида вафот этади.

Бундай воқеаларнинг юзага келишига қашшоқлик, аёллар ва болалар хуқуқига нисбатан бефарқлик ҳамда турли давлатлардаги сиёсий бетартибликлар ва ижтимоий муаммолар сабаб бўлмоқда. Чегараларнинг очилиши ва уларни кесиб ўтишдаги енгилликнинг юзага келиши туфайли одам савдоси катта фойда келтирувчи жиноий бизнессга айланаб бормоқда³.

¹ Қаранг: Ш.М.Рахимжонова. Инсонлар савдоси (траффиги) йирик масштабли бизнес сифатида. «Инсонлар траффигига қарши ҳалқаро-хуқуқий кураш жиҳатлари» мавзудаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: 2006. 59-б.

² Қаранг: А.Юлчиеv, М.Асланов, Одамлар савдоси (траффиги)га карши курашнинг хуқуқий жиҳатлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. 68-б.

³ Қаранг: www.humantrafficking.com.


Одам савдосининг белгилари

Жабрлапувчи ўз давлати чегарасидан копуний ёки тайриконуний йўл билан четта чикарилади. Факат айрим холлардагина одам савдоси бир давлат худудида амалга оширилниши мумкин.


Одам савдоси бошка жиноятлар — ўғирлик, зўрлаш, ОИТС ёки бошка таносил касалликларини касдан юктириш, наркотик моддалар қабул килишга мажбурлаш ва х.к. билан боғлик бўлади

Жабрлапувчилар иккала жинс вакили бўлиши мумкин, аммо кўпинча улар аёллар ва болалар ҳисобланади

15-схема



16-схема



МАМЛАКАТИМИЗДА ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумки, қанчадан-қанча одамлар «оқ қуллик» жинояти-нинг қурбонига айланмоқда. Ушбу жиноятдан жабр кўрган фу-каролар ўзлари тўғрисидаги маълумотларниң ошкор булиши-дан қўркиб (уялиб), тегишли органларга мурожаат этишмайди. Ахир ҳар кимнинг ўз шаъни ва обрусига қилинган тажовузлардан, шахсий хаётига аралашибдан химояланиш ва туар-жой дахлизилиги ҳуқуки Конституция билан кафолатланган.

Колаверса, сўнгги йилларда мамлакатимида суд-ҳуқуқ ти-зимида олиб борилаётган ислоҳотларни, ушбу ҳуқуқларимиз-нинг дебочаси бўлди, деб ҳисоблашимиз мумкин.

Энди Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида одам савдоси ва у билан боғлиқ қилмишлар учун назарда тутилган жавобгарлик чораларини таҳлил қилиб чиқсан. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 135-моддаси мамлакатими жиноят қонунчилигидаги янги нормалардан бири бўлиб, унинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Конуни 2008 йил 17 апрелда қабул қилиниши муносабати билан Жиноят кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиши орқали яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 135-моддасининг эски таҳрири факат одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш учун жавобгарликни назарда тутиб, халқаро ҳуқуқий хужжатларда қайд этилган одам савдоси билан боғлиқ булган жиноий қилмишлар комплексини қамраб олмаган эди. Бу ҳол амалда фука-роларнинг, траффикнинг обьекти бўлиб қолган, эркинлиги, шаъни ва қадр-кимматининг тўлиқ муҳофазасини таъминлаб бера олмасди. Бундан ташқари, фоҳишаликни эксплуатация қилиш мақсадида одамлар савдоси тўғрисидагина сўз юритилган БМТнинг 1949 йилдаги Конвенциясидан фарқли равиша Ўзбе-кистон Республикасининг Жиноят Кодекси 135-моддасида мазкур қилмиш – одамларни ҳар қандай мақсадда эксплуатация қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган қилмиш шахснинг эркинлиги, шаъни ва қадр-кимматига тажовуз

килади. Жиноят жабрланувчисининг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги кўшимча объект сифатида намоён бўлади.

Жиноят кодекси 135-моддасида кўрсатилган одам савдоси жинояти обьектив томондан одамни эксплуатация қилиш мақсадида уни олиш-сотиш ёки ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёхуд қабул қилиш орқали содир этилади.

Кўриб чиқилаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган харакатлардан хеч бўлмаганда биттаси содир этилса, уни содир этган шахс жавобгарликка тортилади. Борди-ю, мазкур модданинг иккинчи ёки учинчи қисми бандларида курсатилган холатлар мавжуд бўлса, жавобгарлик тегишли бандлар бўйича келиб чиқади.

Одам савдоси Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлардан, яъни одамни эксплуатация қилишни бошлашдан қатъи назар, уни олиш-сотиш, ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш харакатларидан бирортаси содир этилган вақтдан эътиборан тамом бўлган деб хисобланиши керак.

Одам савдоси субъектив томондан тўғри, қасдан содир этилади ва конуннинг ўзида зарурий белги сифатида – эксплуатация мақсадида содир этилиши белгилаб қўйилган. Айбор инсонни эксплуатация қилиш мақсадида олиш-сотиш ёки уни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш харакатларини амалга ошираётганлигини англайди ва шу харакатларни амалга оширишни истайди.

Ақли расо, 16 ёшга тўлган шахс Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўла олади.

Кўриниб турибдики, одам савдоси ва уни ҳуқукий жиҳатдан тартибга солиш борасида мамлакатимиз қонунчилигида ўтган йиллар давомида бир қатор ижобий узгаришлар амалга оширилган бўлиб, улар аввало, ушбу юзага келаётган салбий феноменга нисбатан муносабиб курашиш, инсон манфаатлари ва қадркимматини муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Конуни қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процес-

суал кодекси, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришилари тартиби тўғрисида»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сон Қарори билан тасдиқланган), «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида Низом» (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон Қарори билан тасдиқланган), «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома» (Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/2, 3-сон қарори билан тасдиқланган), «БМТнинг трансмиллий ўшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақидаги Конвенциясини тўлдирувчи одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тұхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида»ги Протокол (Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июндаги 160-сон Қонуни билан ратификация қилинган) ва шу каби бошқа қонун ва қонуности ҳукуқий меъёрларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Одам савдоси жиноятининг бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистонда ҳам кўплаб кузатилиши, ушбу жиноятга қарши курашиш мақсадида қонун ва қарорлар қабул қилинди ҳамда бир қатор фармонлар эълон қилинди.

2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу Қарор ижросини таъминлаш борасида Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган ҳукуқий тарғибот гурухи¹ жойларда одам савдоси, унинг салбий иллатлари, ундан жабр кўрганларга ҳар томонлама кўмак бериш, келгусида содир этилажак одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ҳамда бошқа ҳукуқий, иқтисодий ва ижтимоий

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 30 мартағи 28-ум-сонли буйруғи ва «Жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтириш, мамлакат ёшлари ўртасида ҳукукий тарғиботни янада кучайтириш максадида Адлия вазирлигига ташкил этилган тарғибот гурухининг иш режасаси ишлаб чиқилган. Ҳукукий тарғибот гурухи аъзолари 2009–2010 йилларда мамлакатимизнинг 70 дан ортик олис туман ва қишлоқларида булиб, салкам 65 мингга яқин ёшларни ҳукукий тарғибот тадбирларига жалб килди.

масалаларни ўз ичига олган ҳуқуқий тарбибот тадбирларини амалга ошириб келмоқда.

Бизнингча, одам савдосига қарши курашишнинг энг самарали усулларидан бири сифатида жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адлия идоралари қошида шикоятларни қабул қилувчи ҳамда уларнинг сир сақланишини кафолатловчи маҳсус пунктларни кўпроқ ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирда жамиятда аёллар дискриминацияси, паст даражадаги саводхонлик, коррупция, ёлғон реклама эълонларини тарқатиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар одам савдосининг ривожланишига олиб келувчи омиллар ҳисобланади.

Одам савдоси бир вақтнинг ўзида ҳам криминал, ҳам инсон ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган масаладир. Одам савдоси жиной занжир бўлиб, унга қарши ҳар томонлама кураш олиб борилмас экан, бирор-бир ижобий натижага эришиш қийин¹.

Ушбу жиноятга қарши курашишнинг қўйидаги омилларини санаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, одам савдоси қулчиликнинг замонавий кўриниши бўлиб, ушбу жиноят орқали инсон ҳуқуқлари қўпол ҳамда шафқатсизларча бузилади. Ушбу жиноят билан шуғулланувчи жиноятчилар уюшган гурӯҳ ёки жиной уюшма бўлиб, ноқонуний тарзда миллионлаб доллар ишлайдилар.

Албатта, бу маблағлар ҳозирги куннинг глобал муаммоларидан бўлган гиёхвандлик воситалари ва қурол-яроғлар савдо-сидан келиб тушган «кatta-katta» бойликлар сингари халқаро терроризмнинг ҳамда халқаро жиноятларнинг молиявий асосини ташкил этади²;

Иккинчидан, ушбу жиноят халқларнинг урф-одатлари, дини ва менталитетига бутунлай зид бўлиб, оқибатда кишиларнинг ўз миллий келиб чиқишини, тарихини ҳамда маънавиятини унутишига олиб боради;

¹ Инсонлар савдосига қарши курашнинг ҳуқуқий масалалари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. 10-б.

² Специальный представитель ОБСЕ по борьбе с торговлей людьми. Хельга Конрад. Великая Эпоха: <http://www.epochtimes.ru>

Учинчидан, мазкур жиноят орқали жамиятда порахўрлик, қонунга хилоф равишда қалбаки хужжатлар тайёрлаш кескин равишда кўпаяди;

Туртинчидан, ушбу жиноят натижасида асосан вояга етмаганлар ҳамда ёшлар жабр куришини хисобга олсақ, одам савдоси жинояти миллатнинг келажагига салбий таъсир кўрсатади¹.

Одам савдосининг ўзига хос жиҳати шундаки, ушбу жиноят бир киши томонидан содир этилмайди. Яъни, мазкур жиноят билан шуғулланувчи шахслар олдиндан тил бириктирган ҳолда бу хатти-харакатни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига 2008 йил 17 сентябрда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилди:

«Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиб, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша харакатлар:

а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

в) ожиз аҳволдалиги айбордога аён бўлган шахсга нисбатан;

г) айбордога моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

д) тақороран ёки хавфли рецидивист томонидан;

е) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки хужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи хужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

¹ Каранг: www.childtrafficking.org/eng/about/research.html

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига күчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум килиш билан жазоланади.

Ўша харакатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айборга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабранувчининг ӯлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ута хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) ўюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум килиш билан жазоланади».

Одам савдоси чегара билмас жиноят хисобланади. Ушбу жиноят бугун дунёning бир чеккасида содир этилса, эртага бошқа бир томонида кўзга ташланади. Жиноят кўп жихатлари билан контрабанда жиноятига ўхшашдир. Шунга карамасдан, одам савдоси ҳамда контрабанда жиноятлари ўртасида етарлича тафовутлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддасига кура, контрабанда – бу божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона хужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир килувчи заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, курол-яроғ, ўқотар курол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шунингдек ядроий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин куролининг бошқа турларини, шундай куролларни яратишида фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, шунингдек гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп микдорда ўтказиш хисобланади.

Одам савдосидан күзланган асосий мақсад эса, инсондан фойдаланиш, уни таҳқирлашда ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, контрабандага қарши курашиш давлатни ноконуний миграциядан муҳофаза қиласы, одам савдосига қарши курашиш эса, шахсларни таҳқирлаш ҳамда хұрлашдан муҳофаза қиласы¹.

Шунингдек, контрабанда ҳамда одам савдоси жинояты ўтасыда бошқача фарқлар ҳам күзга ташланади. Масалан, одам савдоси жиноятида жабрланувчи ҳар қандай шахс булиши мумкин, контрабанда жиноятида эса, давлатнинг сиёсий манфаатларига ҳамда чегара дахлсизлигига зиён етказилади².

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тұғрисида»ги Конуннинг З-моддасыда одам савдоси жиноятига оид күйидаги асосий тушунчаларнинг изохлари белгилаб берилди. Үнга күра,

одам савдосига қарши курашиш – одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, үнга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланғанларга ёрдам курсатиш бўйича фаолият;

одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғириш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни туловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фохишлигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ұхшаш одатларни, эркесиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тұқымаларини ажратиб олишини англашади;

¹ Қаранг: Report of the Expert Group on Trafficking in Human Beings (Brussels, 22 December 2004)

² Қаранг: Инсонлар савдосига қарши курашнинг ҳуқукий масалалари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. 11-б.

одам савдоси билан шуғулланувчи шахс – мустақил равиша ёки бир гурӯҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридиқ шахс, шунингдек уз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек, гарчи, уз мансаб ваколатларига кўра тўскинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўскинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахсdir.

Хозирги кунда одам савдоси ҳамда ушбу жиноятдан жабр кўрган шахсларга ҳар томонлама ёрдам курсатиш, одам савдосига қарши курашиш, ушбу жиноятнинг олдини олиш, уни аниклаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш максадида мамлакатимизда кўплаб амалий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бинобарин, Қонуннинг III бобида одам савдоси жиноятидан жабр кўрган шахсларга ҳар томонлама моддий ҳамда маънавий кўмак бериш ва бошқа чоралар белгилаб берилди.

Қонунда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам курсатиш ва уларни химоя қилиш максадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам курсатувчи ва уларни химоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилиши мустаҳкамланган.

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

одам савдосидан жабрланганларга кулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларни озиқ-овқат, дори восита-лари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларга шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш;

одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига кўмаклашиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг хуқуклари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш;

одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашиш.

Ихтинослаштирилган муассасалар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқлана-диган Низомга мувофиқ амалга оширади.

Қонуннинг 10-моддасига биноан, чет эл мамлакатидан Ўзбекистонга қайтиб келган, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вактинчалик турар жой беришни ўз ичига олади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Ихтинослаштирилган муассасаларнинг раҳбарлари уларда одам савдосидан жабрланган болалар хақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун хужжатларига мувофиқ одам савдосидан жабрланган болаларнинг хукукларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтинослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар катта ёшдагилардан алоҳида туришлари керак.

Ихтинослаштирилган муассасаларга жойлаштирилган одам савдосидан жабрланган болаларга қонун хужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти берилади.

Агар одам савдосидан жабрланган болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан бехабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни қидириш чоралари кўрилади.

Агар суд шахсни одам савдосида айбдор деб топса, айбдор деб топилган шахсларга одам савдосидан жабрланганларнинг таъми-

ноти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаш мажбурияти юклатилади.

Шунга қарамай, мазкур жиноий алдов курбони бўлган шахслар ўз юргита қайтиши жуда ҳам мураккаб масала ҳисобланниб, улар ўз уйларига қайтган тақдирда ҳам, одам савдосидан жабр кўрганларнинг азоблари бу билан тугаб қолмайди. Боиси, улар жисмоний ҳамда маънавий қийноклар билан бирга ўз мамлакатлари ҳамда уйларига турли хил касалликларни олиб келишади.

Бу касалликлар жамият ва давлат учун хавфлидир, ушбу касалликларнинг ичидаги энг хавфлиси тери-таносил¹ касаллиги ҳисобланади.

Бирлашган Араб Амирликлари, Истроил, Греция ва шу каби мамлакатларда одам савдосидан жабр кўрган шахсларнинг аксарияти сифилис касаллигига чалинишган, уларнинг баъзилари эса, ОИТС² билан ҳам зааралланган.

Айни вактда, одам савдоси жиноятидан бутун дунё мамлакатлари жабр кўрмокда. Дунё бўйлаб нафакат ҳалқаро ташкилотлар, балки ушбу жирканч жиноятга қарши ҳалқаро нодавлат ҳамда нотижорат ташкилотлари ҳам кенг куламда кураш олиб бормоқдалар. Худди шундай ҳалқаро нодавлат ва нотижорат ташкилотларидан бири 1980 йилда «Аёллар савдосига карши курашиш фонди» номи билан Голландия мамлакатида ташкил этилди. Ушбу ҳалқаро нодавлат ва нотижорат ташкилоти дастлабки кунларданоқ, аёллар савдоси билан боғлиқ жиноятлар, уларнинг траффиги ва шу каби масалалар юзасидан кўплаб ҳалқаро ташкилотлар билан шартномалар имзолади. Шунингдек, 1995 йил Шарқий ва Марказий Европа мамлакатларида аёллар савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш максадида «**Ластрада**» ҳалқаро Дастури ишлаб чиқилди.

¹ Таносил касалликлари – бу одатда, жинсий йўл билан юқтириладиган юкумли касалликлар бўлиб, уларга сифилис, гонорея, триппер, юмшок шанкр, мояклар (жинсий) линфогранулемотози ва бошқалар киради. Таносил касаллигининг ўзига хос ҳусусияти унинг даволаш имкони ёки касаллик туфайли келиб чиқадиган оқибатларнинг хавфлилигидадир. Шу боис, ушбу касалликлар қанчалик эрта аниқланса, уни даволаш шунча осон ҳисобланади.

² ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) – инсон организмининг ҳар қандай касалликка карши курашиш қобилияти(иммунитет)нинг йўколиши. ОИТС вируси ҳар хил йўллар билан, яъни жинсий алока, стерилланмаган шприц, ушбу вирус мавжуд бўлган донорлик кони орқали ва бошқа йўллар билан юкиши мумкин.

Ушбу Даастур ўз навбатида траффик жиноятларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, у қуидаги фаолиятларни ўзининг асосий йўналишлари деб белгилади:

- одам савдоси жиноятидан жабрланган шахсларга моддий ҳамда маънавий кўмак бериш;
- одам савдоси жиноятини ўрганиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- хорижий мамлакатларда аёлларнинг хуқуқ ва эркинликларини таҳқирловчи қонун ва қонуности ҳукуқий меъёрларни экспер特 текширувидан ўтказиш;
- одам савдоси жиноятининг салбий оқибатларини кенг жамоатчиликка етказишида оммавий ахборот воситалари билан биргаликда иш олиб бориш;
- давлат органлари, чет эл давлатлари худудидаги элчихоналар, ички ва ҳалқаро нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан биргаликдаги ҳамкорликни ўйлга кўйиш¹.

Мамлакатимиз ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, инсон хаёти, унинг эркинликларини олий кадрият деб эълон қилди. Бу борада бир қанча ҳалқаро умумэътироф этилган шартномаларга қўшилди. Шундай шартномалардан бири Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йил 12 декабрда ратификация қилинган «Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан эксплуатация қилиш тўғрисида»ги Конвенция бўлиб, унга кура қуидаги қилмишлар жиноят деб ҳисобланди:

- розилигидан қатъи назар қўшмачилик қилиш, яъни бошқа шахсларни фохишаликка даъват этиш ёки ундаш;
- розилигидан қатъи назар, фохишабозликни бошқа шахслар томонидан эксплуатация қилиш;
- фохишахоналар тузиш, бошқариш, онгли ҳолда молиялаш, молиялашда иштирокчилик қилиш;
- учинчи шахслар томонидан фохишабозлик мақсадида фойдаланилишини била туриб, бино ёки бирор жойни ижарага бериш, юқоридаги қилмишларни содир этишга сунқасд қилиш, уларга тайёргарлик кўриш, шу мақсадларда қасдан иштирок этиш².

¹ Қаранг: www.yandex.com/Crime_of_traffic


² Қаранг: «Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан эксплуатация қилиш тўғрисида»ги Конвенция. Нью-Йорк. 1949. 14-модда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиб айтадиган бұлсак, Үрта Осиё мамлакатлари ёки МДХ давлатлари доирасыда ягона Халқаро Одам савдосига қарши курашувчи муайян бир Марказ ташкил қилиш мақсадға мувофик.

Албатта, ушбу халқаро ташкилот аъзолари бир-бирига географик жиҳатдан яқин бўлган мамлакатлар ўртасида тузилиши зарур. Шунингдек, уларнинг одам савдоси жиноят билан боғлиқ жиноят конунчилигини бирхиллаштириш лозим. Ташкилот ўз ваколат доирасыда аъзо мамлакатлар учун мажбурий характерга эга бўлган норматив-хукукий хужжатларни қабул қилиши лозим.

Шундай қилиб, одам савдоси мамлакат доирасыда ҳал қилинадиган масала эмас, ушбу жиноят аллақачон халқаро аҳамият касб этган ҳамда унга қарши терроризм, гиёхвандлик, экология ҳамда бошқа глобал муаммолар каби биргаликда курашиш талаб этилади¹.

17-схема



¹ Каранг: Инсонлар савдосига қарши курашнинг ҳукукий масалалари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. 12-б.

**Одам савдосига қарши курашишда
иҳтинослаштирилган муассасаларнинг
асосий вазифалари**

одам савдосидан жабрланғанлар учун қулай яшаң ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш

одам савдосидан жабрланғанларни озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш

одам савдосидан жабрланғанларга шошилинч тиббий, психологик ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш

одам савдосидан жабрланғанларнинг ҳавфсизлигини мухофаза қилиш

одам савдосидан жабрланғанларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатышларига күмаклашиш

одам савдосидан жабрланғанларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатлари хақида ахборот бериш

одам савдосидан жабрланғанларни ижтимоий реабилитация килишга күмаклашиш

**«Ластрада» халқаро Дастури фаолиятларининг
асосий йўналишлари**

одам савдоси жиноятидан жабрланган шахсларга моддий ҳамда маънавий кўмак бериш

одам савдоси жиноятини ўрганиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш

хорижий мамлакатларда аёлларнинг ҳукуқ ва эркинлilikларини тахқирловчи конун ва конуности ҳукукий меъёрларини эксперт текширувидан ўтказиш

одам савдоси жиноятининг салбий оқибатларини кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ҳамкорликни йўлга кўйиш

давлат органлари, чет эл давлатлари худудидаги элчихоналар, ички ва халқаро нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан биргаликда ҳамкорликни йўлга кўйиш

«Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан эксплуатация қилиш тұғрисида»ги Конвенцияда жинаят деб хисобланадиган қилмишлар

розилигидан қатын назар, күшмачилик қилиш, яъни бошка шахсларни фохишалик мақсадида даъват этиш ёки ундаш

розилигидан қатын назар, фохишабозликинин бошка шахслар томонидан эксплуатация қилиш

фохишаоналар тузиш, бошқариш, онгли ҳолда молниялаш, молиялашда иштирокчилек қилиш

учинчи шахслар томонидан фохишабозлик мақсадида фойдаланилишини била туриб, бино ёки бирор жойни изярага бериш, юкоридаги қилмишларни содир этиштеге сунқасд қилиш, уларга тайёргарлик күриш, шу мақсадларда қасдан иштирок этиш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*«Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституция-
миз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча асосий
гоя ва қоидаларини ўзига сингдирган».*

И.А. Каримов

Инсон ҳуқуклари жаҳонда етакчи мақомга эга. Ҳар қандай ривожланган демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда инсон ҳуқуклари ролига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Инсон ҳуқуклари – ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини курсатувчи мухим мезондир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуклари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда мухим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ички ва ташқи сиёсатида БМТнинг иккинчи Умумжаҳон конференциясида 1993 йилда тасдиқланган «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг универсаллиги» талабларига қатъий риоя этиб, давлат қонунчилик тизимида уни муҳофаза қилиш ва таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий базани шакллантириди.

Жаҳонда инсон ва фуқаролар ҳуқуқи соҳасида 300 дан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти XX асрнинг II ярмига тўғри келади. Универсал кўринишдаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан биргаликда минтақавий доирадаги масалаларга бағишлиланган ҳужжатлар ҳам қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда 60 дан ортиқ инсон ҳуқукларини таъминлашга каратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган.

Ҳозирги кунда давлатлар ўз Конституцияларида инсон ҳуқуқларига оид қўйидаги мухим қоидаларни мустаҳкамлаганлар:

1. Демократия ва инсон ҳуқуклари ҳамда эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – бу давлат мажбуриятидир;

2. Инсон ҳуқуклари ва эркинликлари каталоги халқаро-ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги;

3. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиий ҳуқуқ ғоясининг, назарияси нинг эътироф этилиши;

4. Ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари нинг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

5. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

6. Фуқароларнинг кафолатланган суд химояси билан таъминланиши;

7. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш бошқа шахслар ҳуқуқларини бузмаслиги зарурлиги¹.

Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қўйидаги тўрт таркибий қисмдан иборат.

Биринчи: фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар – виждон эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қонунлар.

Иккинчи: фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар – жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, сайловлар тўғрисидаги, касаба ўюшмалари, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунлар.

Учинчи: фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳуқуқларига оид қонунлар – мулк, тадбиркорлик, ер, ижара, хусусийлаштириш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар, фан, таълим, музейлар, кутубхона, маданий меросни химоя қилиш тўғрисидаги қонунлар.

Тўртинчи: инсон ҳуқуқларига оид ҳалқаро ҳужжатлар (кўп томонлама ва икки томонлама) – миллий-ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ифодалаш борасидаги энг асосий ҳужжатлар. Конституциямизда инсон ҳуқуқлари ҳалқаро андозалар асосида ифодаланиши билан биргаликда, уни таъминлаш ва кафолатлаш борасида энг муҳим қоидалар ўрнатилган.

¹ Қаранг: Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. –М.: Юристъ, 1997. С.132.

Бугунги кунда давлатлар томонидан қабул қилинган Конституцияларнинг деярли барчаси Инсон ҳукуқлари умумжахон Декларациясида белгиланган коида ва қадриятларга ҳамоҳангдир.

Шунингдек, Инсон ҳукуқлари умумжахон Декларациясининг мұқаддимасида шундай дейилади: «Башарият оиласи барча аъзоларининг қадр-қиммати ва уларнинг ажратиб булмас ҳукуқларини эътироф этиш жаҳон миқёсида эркинлик, адолат ва тинчлик негизини ташкил этади. Умумий ассамблея ушбу декларацияни барча инсонлар ва ҳамма миллатларнинг муштарап истаги деб эълон қиласи».

Ўзбекистон Конституцияси, Инсон ҳукуқлари умумжахон Декларациясининг 30 та моддасига кириллган барча коида ва тартибларни қамраб олиб, мұкаммал тарзда уларни акс эттириши билан жаҳоннинг йирик ва демократик давлатлари асосий қонунлари қаторида муносиб урин тутади. Фикримизнинг исботини Конституциямиз мұқаддимасининг биринчи бандидан олишимиз мүмкин.

Ўзбекистон халқи номидан:

биринчидан, инсон ҳукуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик эълон қилинади;

иккинчидан, халқаро ҳукуқнинг умум эътироф этилган коидалари устунлиги тан олинади;

учинчидан, инсонпарвар демократик давлат барпо этиши кўзланади;

тўртинчидан, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсад қилиб қўйилади.

Мұқаддимада қайд этилган бу асосий принциплар Асосий Қонунимизнинг ички мазмуни, том маънода моҳиятини ташкил этади. Конституциянинг 13-моддасига биноан, Ўзбекистонда қонунчилик демократик, умуминсоний принципларга асосланиб, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳукуқлари олий қадрият хисобланади. Демократик ҳукуқ ва эркинликлар Конституция ва қонун билан химоя қилинади. Ушбу модда ўзининг ёрқин ва комил ифодаси билан инсон мақомини ва унинг асосий ҳукуқларини энг юксак ва олий даражага кутаради. Инсон ҳукуқлари Умумжахон Декларациясининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодалани-

шини биргина мисол асосида тула англаңб етиш мүмкін. Хусусан, Инсон ҳуқуклари умумжахон Декларациясининг учинчи моддасида «Ҳар ким яаш ва дахлсизлик ҳуқукига эга», Ўзбекистон Конституциясининг 24-моддасида «Яаш ҳуқуки ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир, «Инсон ҳаётига сүйкасд қилиш энг оғир жиноятдир», шунингдек, 25-моддасида «Ҳар ким эркин ва шахсий дахлсизлик ҳуқукига эга», деб таъкидланади.

Халқимизнинг миллий давлатчилик мақсадларига хизмат киладиган мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси жамиятимизнинг юксак интеллектуал ва ҳуқукий камолотидан далолатдирки, ҳудди шу боис Баш Қомусимизда халқона, миллий давлатчилик билан азалий қадриятларимиз башарият ҳуқукий маданиятининг жами илғор жихатлари билан узаро уйрунлашиб келади¹.

Ўзбекистон Конституцияси матнида инсон ҳуқукларига тааллукли нормалар уступор үрин эгаллади. Улар инсон ва фуқаро ҳуқукларининг кўпкірралилиги билан ажралиб турди. Ҳар бир шахснинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари Асосий Конунимиз билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида берилган ва уни ривожлантириш учун чиқарилган қонунларда муносиб тарзда ўз аксини топган инсон ҳуқукларининг бу таҳлит қонуний кафолатланиши ана шу ҳуқуқларга муносабатимиз нечоғли юксак эканлигини теран англатиб турибди.

Инсон ҳуқуклари умумжахон Декларациясининг 19-моддасида хеч кимнинг ўзбошимчалик билан хибсга олиш ва қамоқда саклаш мүмкін эмаслиги таъкидланса, Ўзбекистон Конституцияси 25-моддасининг иккинчи хатбошисида «Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда хибсга олиниши ёки қамоқда сакланиши мүмкін эмас», дейилади.

Юкорида берилган қисқа мисоллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Конституциясида Инсон ҳуқуклари умумжахон Декларациясининг барча қадриятлари етарли даражада ва Декларацияга нисбатан тулароқ шаклда ифода этилиб, ҳимоя қилинган.

¹ Каранг: «Қонун ва адолат уступорлигининг ҳаётбахш манбаи». Президентимиз И.Каримовнинг Конституция байрами муносабати билан утказилган тантанали маросимда сўзлаган нутки. «Ҳалқ сўзи». 1998 йил 6 декабрь.

Масалан, 24-моддада «Инсон ҳәтига сүйкәсд қилиш энг оғир жиноятдир» ибораси билан инсоннинг яшаш хуқуки ва шахсий дахлсизлик хуқуки жиддий суръатда химоя остига олинган.

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида инсон хуқуқларига оид кўйидаги мухим халқаро-хуқуқий қоидаларни мустаҳкамлаган:

биринчидан, инсон хуқуклари ва эркинликларини тан олиш ва химоя қилиш – давлатнинг мажбурияти;

иккинчидан, инсон хуқуклари ва эркинликлари тизими халқаро хуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро хуқуқнинг устунлиги;

учинчидан, инсон хуқуклари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллукли эканлиги, яъни табиий хуқук ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар кимга инсон хуқуклари ва эркинликларининг teng ва баробар тааллуклилиги;

бешинчидан, инсон хуқуклари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

олтинчидан, фукароларнинг кафолатланган суд химояси билан таъминланиши;

еттинчидан, инсон хуқуклари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар хуқукларининг бузилмаслиги зарурлиги¹.

Инсон хуқукларини химоя қилиш – Конституциянинг асосий принципидир. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва пировард максади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг маъруза ва нутқларида инсон хуқуклари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган кўйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб берилган:

1. Инсон хуқуклари ва эркинликларини химоя қилишнинг самарали механизмини вужудга келтириш;

2. Инсон хуқуклари бўйича халқаро хуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

¹ Каранг: У.Таджиханов, Х.Одилкориев «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки». – Тошкент: Шарқ, 2001. 28-б.

3. Қабул килинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чикиш ва ижтимоий ҳәётнинг барча жабхала-рида қонун устунынг таъминлаш;

4. Одил судлов ислохотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлашириш;

5. Ахоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, хукуктартибот идоралари ҳодимлари ўртасида хукукий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг хукукий онги ва маданиятини юксалтириш¹.

Халқимизнинг миллий давлатчилик мақсадларига хизмат киладиган мустакил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси жамиятимизнинг юксак интеллектуал ва хукукий камолотидан далолатдирки, худди шу боис Баш Комусимизда халқона, миллий давлатчилик билан азалий кадриятларимиз башарият хукукий маданиятининг жами илғор жиҳатлари билан ўзаро уйғунлашиб келади.

Мамлакатимизда инсон хукуқ ва манфаатларни таъминлашнинг ишончли механизми бу шубҳасиз, суд ҳокимиятидир. Дарҳақиқат, мустакил Ўзбекистонда давлат ҳокимияти таксимланшининг реал жорий этилиши том маънода чинакам суд ҳокимияти карор топишига йўл очди. Суд тизимини ислоҳ қилиш Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, энг аввало, хукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустакиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шу ҳолатда судга кишилар жазоловчи орган сифатида эмас, балки, ўз хукуклари ва эркинликларини, манфаатларини химоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустакил учинчи тармоғига айланади².

Мамлакатимиз бугунги кунга келиб суд-хукуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг бир неча босқичларини рӯёбга чиқариб келмоқда.

¹ Қаранг: И. Каримов «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаширишнинг муҳим вазифалари», Биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг VI сессиясида сўзлаган нутки. 1996 йил 29 август – Т.; «Ўзбекистон», 1999 й.

² Қаранг: И.А. Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда» – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б.29-30 (Олий Мажлисинг 1-чакириқ, 14-сессиясидаги маъруза).

Биринчи босқич мустакиллик қўлга киритилган даврдан 2000 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда мамлакатимизда Асосий қонунимиз – Конституция ва бошқа бир қатор қонунлар қабул килинди. Мақсад, инсон ҳукукларини амалга оширувчи органлар ва давлат идораларининг ҳуқуқий базасини яратишдан иборат.

Иккинчи босқич – 2001 йилдан 2005 йилгача бўлган давр. 2001 йилнинг 29 августида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ислохотларнинг узвий давоми бўлди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш натижасида Жиноят кодексига ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти қўшилди. Аслида ярашув институти ҳалқимизнинг тарихий ва маданий урф-одатлари ҳамда қадриятларидан келиб чиқади. Хусусан, Бурхониддин Марғинонийнинг «Хидоя» асарида келтирилишича, жиноят содир этган шахс жабр кўрган шахсга товон тўлагани учун жабр кўрган томон уни кечириб, қозидан (суддан) айборни жазодан озод қилишни талаб қилишга ҳақли бўлган. Товон ҳаки жазо сифатида қўлланилганидан сўнг уни айбор уч йил мобайнида тўлаши лозим¹.

Суд-ҳукуқ ислохотларининг **учинчи босқичи** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида үлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳукуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши билан бошланди, деб хисоблаш мумкин. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, суд – одил судловнинг олий нуктаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантикий талабидир. Ва бу, энг аввало, инсоннинг консти-

¹ Каранг: М. Ражабова «Шариатда жиноят ва жазо». – Тошкент: Адолат, 1996. 132-б.

туциявий ҳуқук ва эркинликларини, дахлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишилди¹.

Ҳар бир давлат ўз Конституциясини қабул қилаётганида биологик мавжудот хисобланган инсонга жамиятда ривожланган шахс сифатида қараб, унинг мавжуд ҳуқук ва эркинликларини мустаҳкамлайди. Уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайди. Конституциямизда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қартилади. Конституциямизнинг иккинчи бўлим 5–11-боблари шу масалага бағищланган бўлиб, бунда инсон ва фукароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари батафсил ёритилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган инсон ҳуқуқлари соҳидаги ички ва ташқи сиёsat, ўз навбатида, ахолининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш, янги кўникума ва қадриятларни шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқларига хурмат-эҳтиром ва унинг умуммиллат даражасида ривожлантирилишига олиб келмоқда.

Хорижий мамлакатлар ўз Конституцияларида инсон ҳуқуқларига оид қўйидаги муҳим қоидаларни мустаҳкамлаганлар

- демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – бу давлат мажбуриятидир
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари каталоги ҳалкаро ҳуқукий андозаларга мос келиши ва бу соҳада ҳалкаро ҳуқукнинг устуворлиги
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга турилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиий ҳуқук ғоясининг, назариясининг эътироф этилиши
- ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг teng ва баробар тааллуқлилиги
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолияти нинг мазмунини ташкил этишлиги
- фукароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши
- инсон ҳуқук ва эркинликларини амалга ошириш бошқа шахслар ҳуқуқларини бузмаслиги зарурлиги

¹ Каранг: И.А.Каримов «Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир». – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 43–51-б.

Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими

фукароларнинг шахсий ҳуқукларига оид қонунлар – виждан
эркинлиги, фукароларнинг мурожаат килиш ҳуқуки, судга шикоят қилиш
ҳуқуки ҳакидаги қонунлар

фукароларнинг сиёсий ҳуқукларига оид қонунлар – жамоат
бирлашмалари, сиёсий партиялар, сайловлар тўғрисидаги, касаба уюш-
малари, оммавий ахборот воситалари ҳакидаги қонунлар

фукароларнинг иктисадий-ижтимоий, маданий ҳуқукларига оид
қонунлар – мули, тадбиркорлик, ер, ижара, хусусийлаштириш, истеъмолчилар
нинг ҳуқуклари тўғрисидаги қонунлар, фан, таълим, музейлар, кутубхона,
маданий меросни ҳимоя килиш тўғрисидаги қонунлар

инсон ҳуқукларига оид ҳалқаро ҳужжатлар (қўп томонлама ва
инки томонлама) – миллӣ-ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида

23-схема

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида
инсон хукуқларига оид кўйидаги муҳим ҳалқаро-
хукуқий қоидаларни мустаҳкамлаган

инсон хукуклари ва эркинликларини тан олиш ва химоя
килиш – давлатнинг мажбурияти

инсон хукуклари ва эркинликлари тизими ҳалқаро-хукукий
андозаларга мос келиши ва бу соҳада ҳалқаро хукукнинг устунилиги

инсон хукуклари ва эркинликлари унга турилганидан бошлаб тааллукли
эканлиги, яъни табиий хукуқ гояси ва назариясининг эътироф этилиши

хаммага ва хар кимга инсон хукуклари ва эркинликларининг тенг ва
баробар тааллуклилиги

инсон хукуклари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг
мазмунини ташкил этиши

фуқароларнинг кағолатланган суд химояси билан
таъминланиши

инсон хукуклари ва эркинликларини амалга оширишда
бошка шахслар хукукларининг бузилмаслиги зарурлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА МИЛЛИЙ ИНСТИТУТЛАРИ

Инсон хуқуклари ва асосий эркинликлари тушунчасининг шаклланиши унга бўлган эҳтиёж ва имкониятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон хуқукларини тан олиш ва халқаро меъёрлар доирасида уларни ҳимоя қилишнинг турли воситаларини яратиш, айтиш мумкинки, асримиз маънавиятининг энг муҳим ютукларидан биридир.

Ўзбекистон демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан борар экан, бу борада энг устувор вазифалардан бири инсон хуқуклари ва эркинликларини таъминлаш, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Бу борада энг аввало, инсон хуқукларини таъминлашга йўналтирилган миллий институтларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз И. Каримов бир уринда «Инсон хуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминловчи идоравий тузилмаларини барпо этиш муҳим вазифадир. Олий Мажлиснинг Инсон хуқуклари бўйича вакили институтининг, хуқуқпарвар жамоат ташкилотларининг мавкеи ва мақомини кутариш зарур», деб таъкидлаб ўтган эди¹.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда қўйидаги Инсон хуқукларини ҳимоя қилиш соҳасидаги омбудсман институти, Ижтимоий фикр нодавлат ташкилотлари, Амалдаги қонунчилик мониторинг институти, Инсон хуқуклари бўйича Миллий Марказ каби инсон хуқуклари соҳасидаги миллий институтлар фаолият юритмоқдалар.

Инсон хуқуқлари бўйича миллий институтлар қўйидаги функцияларни бажаради:

а) Инсон хуқуклари соҳасидаги халқаро хужжатларнинг ратификация қисми тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқишида иштирок этиш, инсон хуқуклари соҳасидаги хисоботларни ишлаб чиқишида, қонунларни тақомиллаштиришда ҳукуматга ёрдам бериш;

¹ Каранг: И.А. Каримов. Ҳозирги боскичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. — Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 24-б.

б) Инсон ҳуқуқлари бузилиши фактларини аниқлаштириш. Бу инсон ҳуқуқлари соҳасида юзага келган муаммонинг тез ва тўла ҳал этилишига олиб келади. Институтларга тергов ўтказишнинг аниқ механизми зарур бўлиб, бунга далилларни йиғиш ваколати, ҳужжатлар билан эркин танишиш, мансабдор шахсларни, гувоҳларни сўроқ қилиш, инсон ҳуқуқларини бузувчи суд иш юритувларида қатнашиш ҳуқуқлари киради;

в) Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва маълумот маркази сифатида, инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий ва ўкув дастурларини ишлаб чиқишида ҳамда ушбу дастурларни ҳаётга татбиқ этишда иштирок этиш;

г) Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бузилишларга қарши курашнинг жамоат тергови шаклини олиб бориш. Бунда иркӣ ёки бошқа камситишлар ҳолати юз бергандা, жамоатчиликка ошкор этиш, ахолининг инсон ҳуқуқлари соҳасида маданиятини юксалтириш ишлари амалга оширилади. Ахолига ўз ҳуқуқларини тушунтириш ишлари ҳақида маълумот бериш ва илмий-оммабоп фаолият олиб бориш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирда мавжуд инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш орқали таҳлил қиласиз. Хусусан, 1995 йил Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан Олий Мажлис хузурида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институти¹ ташкил этилди.

Мазкур институтнинг асосий вазифаси этиб, жамиятимизда конун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахснинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш ва ҳалқ манфаатларини жамият олдида ҳимоя қилишдан иборат қилиб белгиланди.

Бутун дунёда омбудсман институти фуқаролар шикоятларини суддан ташқарида кўриб чиқадиган қўшимча институт сифатида нафақат айрим адолатсизлик холларининг олдини олишга, балки давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил турли мамлакатларда турлича номланади. Скандинавия мамлакатларида – омбудсман; Испания ва Колумбияда – ҳалқ ҳимоячиси; Францияда – воситачи, Руминияда – ҳалқ адвокати ва ҳ.к.– муаллиф изохи.

ишини янада самаралироқ қилишга имкон беради, ҳуқукий давлат мақсад ва вазифаларига эришишига кўмаклашади, шу тарафа фуқароларнинг ўз ҳуқук ва эркинликлари ҳақиқий таъминланишига шароит яратади.

Омбудсман фаолиятининг бир қанча ўзига хос хусусиятлари мавжуд, улар куйидагилардан иборат:

вакилнинг ҳуқук ва мажбуриятлари қонунчилик ва бошқа норматив хужжатларда белгиланганлиги;

вакил мустақил фаолият юритиши билан бирга қонун чиқарувчи ҳокимият олдида хисобот бериши;

вакил бузилган ҳуқукларининг тикланишини сўраб мурожаат этган фуқаролардан давлат органларининг ноқонуний харатлари устидан шикоятларни қабул қилиши ва тегишли қарор қабул қилиши;

вакил мустақил шахс бўлиб, у келиб тушган ариза, шикоятлар бўйича ўзининг хоҳиш-иродаси ва қонунга асосан харакат қиласи, органларга тақдимнома киритади ва хисоботлар тақдим қиласи;

парламент муддати давомида ўз фаолиятини муваққат олиб боради¹.

Турли мамлакатларнинг омбудсман институти функциялари ва вазифалари ушбу давлатларнинг миллий давлатчилик анъаналари, миллий менталитети, ҳуқукий тизимини хисобга олган ҳолда ўзига хос томонларга эга. Ҳозирги вактда дунёning 120 дан ортиқ мамлакатида омбудсман институти мавжуд, 50 дан ортиқ мамлакатда эса инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар фаолият кўрсатмоқда².

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясидаги маъruzасида таъкидлаганидек: «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, омбудсман институтининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур»³.

¹ Каранг: «Омбудсман в Узбекистана» – Тошкент: 2001 й.

² Каранг: <http://www.parliament.gov.uz>.

³ Каранг: Дунё омбудсманлари. С.Рашидова. Т.Д.Сайидов «Ўзбекистонда омбудсманнинг минтақавий вакили институти: тажриба ва истиқболлар».

Омбудсман давлат органлари тизимидан мустакиллиги, парламент белгилаган муддат давомида ўзгармаслиги, ўз ҳукуқ ва эркинликларини химоя қилишга мухтож бўлган фуқароларга очиклиги, шикоят ва мурожаатларни кўришда расмиятчиликка йўл қўймаслиги, аҳолига бепул хизмат кўрсатиши билан ажратиб туради.

Омбудсманнинг мақсади – бу инсон ҳукуқларини ҳурмат қилиш маданиятини яратиш, уни ривожлантиришга кўмак бериш, жамиятни ҳукуқий тарғибот тўғрисидаги ғоялардан хабардор қилишдан иборатdir.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳукуқ ва эркинликларини тиклаш бўйича фаолият юзасидан 2002 йилда омбудсманга фуқаролардан 5130 та мурожаат тушган, шу жумладан 2768 та мурожаат почта орқали келган, 2362 та мурожаат қабул вактида тушган (шулардан 871 тасига оғзаки тушунтиришлар ва маслаҳатлар берилган). Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинлари бузилганлиги тўғрисидаги 1450 та мурожаат назоратга олинган, шулардан 250 таси ижобий ҳал қилинган¹. 2005 йилда омбудсманнинг мінтақавий вакиллари томонидан ички ишлар, адлия ва соғлиқни сақлаш вилоят бошқармалари билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиленганинг ўзи вакил ўз фаолиятини ҳаётнинг барча соҳаларида фақатгина фуқароларнинг ҳукуқ ва манфаатларини рӯёбга чиқариш учун амалга оширишини белгилаб беради.

Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади². Вакил лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг ва Сенатининг Вакилни сайланаш тўғрисидаги қарори палаталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конун-

¹ Қаранг: Дунё омбудсманлари. С.Раширова. Т.Д.Сайдов «Ўзбекистонда Омбудсманнинг мінтақавий вакили институти: тажриба ва истиқболлар».

² Омбудсман турли йўллар билан сайланishi ёки тайинланishi мумкин. Испанияда у парламент томонидан 5 йилга сайланади, Намибияда президент томонидан, Францияда – Вазирлар кенгашининг декрети билан тайинланади. – муаллиф изохи.

чилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Вакил номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин бу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига конунда белгиланган тартибда юборилади¹.

Вакил фаолиятининг асосий принциплари² конунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошкоралик, ҳар бир инсон учун очиқликдир. Вакилнинг хисоботи конун хужжатларига мувофик ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида эшитилади³. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунга⁴ кўра, Олий Мажлиснинг инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман) – мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон хукуқлари тўғрисидаги амалдаги конун хужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари

¹ Каранг: Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари туплами, 2004 йил, 38-сон, 420-модда.

² Айрим хорижий мамлакатлар конунчилигида вакилнинг асосий фаолият принципларидан бири – бу мустакилликдир. Сиёсий мустакиллик учлик нуқтаи назаридан, омбудсман хокимиятнинг уч тармоқли тизимига нисбатан узига хос макомга эга. Конунчилик хокимиятида эса, парламент омбудсмани парламент томонидан тайинланниб, унинг таркибига кирмайди. У зўнга фаолиятни мустакил тартибга солувчи конунига эга. Бу унинг ҳатто парламентдан ҳам мустакилларига кафолатлади. Омбудсман ҳар йили парламент олдида хисобот беради, аммо парламент унга кўрсатмалар бера олмайди. Мустакиллик – унинг фаолиятининг асосий устунидир. Худди шу холат унинг ижроия хокимияти билан ўзаро муносабатларига ҳам таалуклуки, чунки омбудсман бу хокимиятнинг таркибий кисми бўлмаса ҳам, унинг харакатларини текширади. Нихоят, омбудсман суд хокимиятидан ҳам мустакилdir, бу хокимиятнинг ўзи конун устуворлиги тамойилига амал килиб, бошка хокимият тармоқларидан мустакил иш олиб боради. – муаллиф изохи.

³ Айрим хорижий мамлакатларда омбудсман ўз фаолияти юзасидан парламент олдида хисоб бермайди. Балки, ОАВ орқали бутун ҳалқ олдида чиқиш килиб ўз фаолияти хусусида очик хисобот бериб боради. – муаллиф изохи.

⁴ Каранг: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги конуни илк бор 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган, янги таҳрирда эса, 2004 йил 27 августда қабул қилиниб, ҳаётга татбик этилди.

берилган. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини химоя қилишга риоя этиш эҳтиёжи Президент И. Каримовнинг 1996 йил 29 августда Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган нутқида ҳам эътироф этилган эди: «Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш устидан мониторинг ва назоратни ўрнатиш идоравий тузилмаларини барпо этиш муҳим вазифадир. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг, жамоат ташкилотларининг мавкеини ва мақомини кўтариш зарур. Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш соҳасидаги омбудсман институти, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ташкилотларни ривожлантириш ҳамда бошка институтларни ташкил этиш лозим. Бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини бошқариш ва назорат қилишнинг янги самарали механизмларини яратиш зарурати етилди»¹.

Дарҳақиқат, мазкур вазифаларни хаётда рӯёбга чиқарувчи институтларнинг фаолият юритиши ва уларнинг ҳуқуқий мақомини² кўтариш инсон ҳуқуқлари мустаҳкам таъминланишининг гаровидир.

Энди бевосита омбудсманга фуқаролар ва чет эл фуқаролари томонидан шикоят қилиниши тартиби хусусида фикр юритсак³. Вакил арз қилувчига ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

¹ Каранг: Каримов И.А. «Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби». – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 119-б.

² Буюк Британияда омбудсманинг ҳуқуқий мақоми Олий суд судъясининг мақомига тенглаштирилган. Ўзининг ваколатлари билан бирга вазирликлар ва давлат қўминаларининг ҳар кандай қонунга номувофик ҳаракати устидан суд ёки трибуналга шикоят килинмаган бўлса, омбудсман бу ҳақдаги аризани кўришга ҳақлидир. АҚШда эса, омбудсман суд иммунитети ҳуқуқидан фойдаланади. Финландияда судда вазирларга, Данияда эса, вазирлардан ташқари барча мансабдор шахсларга нисбатан омбудсман жиноят ишини кўзғатиш ваколатига эга хисобланади. Польшада қонунда белгиланган баъзи ҳолларда прокурор каби протест келтириш ҳуқуқига эга.

³ Каранг: аксарият мамлакатларда ҳар бир фуқаро омбудсманга йул кўйилган ҳуқуқбузарлик ёки суниистъмолликларни аниклаб, тегишли орган ёки мансабдор шахсга курсатади ва у бу ҳолатларни бартараф этишни таклиф этади. Агар улар омбудсманинг таклифидан бош тортса, омбудсман суд органлари ёки парламентга мурожаат этиши мумкин. Омбудсман фуқароларнинг шикоятлари бўйича, шунингдек ўз ташаббуси билан иш олиб боради. Францияда фуқаролар вакилга бевосита эмас, балки ўз сенатор ёки депутатлари орқали мурожаат киладилар. – муаллиф изохи.

манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан ёки арз қилувчи, агар у ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қаноатланмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган охирги қарордан хабар топган пайтдан эътиборан бир йил давомида берилган шикоятларни кўриб чиқади¹.

Қонунга мувофиқ вакил ҳуқуқларига қўйидагилар киради:

- шикоятни кўриб чиқиш;
- арз қилувчи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шаклларни кўрсатиш;
- шикоятни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юбориш;
- арз қилувчини унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор хужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишитириш;
- сабабини албатта кўрсатган ҳолда шикоятни кўриб чиқиши рад этиш;
- қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни кўриш.

Вакилнинг шикоятларни кўриб чиқиши чоғидаги ҳуқуқлари: вакил шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш;
- аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларни таклиф этиш. Текширишни харакатлари ёки харакатсизлиги устидан шикоят берилган ташкилотга ёхуд мансабдор шахсга топшириш мумкин эмас;

¹ Каранг: Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2004 йил, 38-сон, 420-модда.

- ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монелик-сиз кириш;
- ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш;
- мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш;
- аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар ва мутахассисларга хулосалар тайёрлашни топшириш;
- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари га дахлдор масалалар юзасидан ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан ўтказилаётган текширишларда иштирок этиш;
- ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахс билан учрашув ва сухбатлар ўтказиш;
- харакатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганини аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш¹.

Юкорида биз Ўзбекистон Республикасида омбудсман фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларига ва бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилдик. Энди бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги таклиф ва мулоҳазаларни баён этсак:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили қонунга мувофиқ давлат ҳокимиятининг мансабдор шахси хисобланишини инобатга олиб, вакилга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилиши мақсаддага мувофиқдир. Бу орқали унинг фаолият самарадорлигини ошириш кўзда тутилади.

2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунга мувофиқ вакил томонидан кабул қилинадиган ҳужжатлар тавсиявий характерга эга. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинадиган бу каби ҳужжатлар барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий характерга эга, деб белгиланиши мақсаддага мувофиқ деб ўйлаймиз.

¹ Каранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 38-сон, 426-модда.

3. Жиноят-процессуал қонунчилигига фукароларнинг химоячиси сифатида жамоат химоячиси сифатида вакилнинг иштирок этиши қонунийлаштирилишини таклиф этамиз.

4. Хорижий мамлакатларда омбудсман институтининг фаолиятига назар соладиган бўлсак, улар ўзининг соҳалар бўйича ихтинослашув¹ фаолиятига асосланганлигини кўришимиз мумкин. Бу албатта, вакил фаолияти самарадорлигининг кафолати бўлиши билан бирга, нафакат маълум тоифа фукароларнинг, балки ҳукуқлари чекланган шахсларнинг ҳукуқларини муҳофаза қилиш ва энг асосийси адолатни карор топтиришда мухим ўрин тутади. Вакилнинг айрим масалалар билан ихтинослашуви жамиятнинг мазкур институтга ишончини ошиrsa ва юзага келаётган жиддий муаммоларни бартараф этса, инсон шаъни, кадр-киммати ва қонунчилик билан белгиланган талабларнинг ҳаётга жорий этилишида катта омил бўлади.

Инсон ҳукуқларини химоя қилиш тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти ҳам мухим ўринга эга². Институтнинг асосий вазифа ва функциялари қўйидагилардан иборат:

қонун лойиҳаларини ҳар томонлама ҳукукий экспертизадан ўтказиш, қонун хужжатларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида чукур асосланган эксперт баҳолари ва хulosаларини тайёрлаш;

¹ Швецияда бола ҳукуклари бўйича шуғулланувчи омбудсман иш олиб боради. Унинг асосий вазифаси БМТнинг «Бола ҳукуклари тўғрисида»ги Конвенциясига биноан болалар ва ёшларнинг ҳукуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг муаммолари бўйича мониторинг олиб боришдан иборат. Шу каби фаолиятни Литва Республикасида ҳам учратамиз. Англияда ва Уэльсда қамоқ ва жазони ижро этиш масалалари билан шуғулланувчи омбудсман 1994 йилда таъсис этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси мажхумларнинг шикоятларини улар барча инстанцияларни ўтаб бўлганларидан сунг қабул қилиш ва жазони ижро этиш муассасаларига ўзларининг тавсиявий хulosаларини беришдан иборат хисобланади.

² Мазкур институт дастлаб Олий Мажлис хузуридаги Амалдаги қонунчилик Мониторинги институти илмий-тадқикот муассасаси сифатида Олий Мажлис Кенгашининг 1996 йил 3 декабрдаги қарори асосида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелдаги ПФ-3590-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул килиниши натижасида ҳукукий макоми ўзгартирилган. – муаллиф изохи.

мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқукий базаси такомиллаштирилишини тизимли таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан мустаҳкам ҳамкорликда конун ҳужжатларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва унинг ўтиши борасида конунда белгиланган тартиб ҳамда таомилларга риоя этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

конунларда, меъёрий-хуқукий ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг норма ва коидалари тўлик рўёбга чикарилиши ҳамда уларнинг қўлланиши, шунингдек кабул қилинаётган конун ҳужжатларида хуқукий нормаларнинг узаро боғланиши, комплекслилиги ва уйғунлиги мониторинги;

Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларининг ҳалқаро меъёр ва стандартларга мувофиқлигини ўрганиш; конунларнинг лойиҳаларида умумэътироф этилган ҳалқаро хуқук, инсон хуқуқлари ва эркинликлари тамоиллари ҳамда нормалари устуворлигига риоя этилишини таҳлил қилиш;

хорижий парламентлар, айнан шундай қонун ҳужжатлари мониторинги институтларининг иш тажрибасини ўрганиш ҳамда конун ижодкорлиги фаолиятида ана шу тажрибадан фойдаланиш бўйича тавсияномалар бериш¹.

Мониторинг институти қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказади, бу жараёнда конуннинг инсон хуқуқлари соҳасидаги ҳалқаро стандартларга мос келиши текширилади. Мазкур институтнинг хуқукий мақоми туғридан-туғри фуқароларнинг бузилган хуқуқларини тиклаш ва уларнинг шикоятларини кўриб чиқиша йўналтирилмаган бўлса-да, моҳияттан инсон хуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини мониторингдан ўтказиш, керакли тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқиш йўли билан фуқароларнинг қонуний манфаатларини кафолатлашга қаратилган.

Ўтган йиллар давомида институт катор ҳалқаро ташкилотлар ва чет мамлакатларнинг илмий марказлари билан тажриба алмашаётганлиги мухим аҳамият касб этади. Бундай ҳамкорлик, хусусан, Европа Иттифоқи Комиссиясининг Ейд

¹ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 14-сон, 100-модда.

дастури, БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари, Ҳалқаро нотижорат ҳуқук маркази, К.Аденауэр, Евроосиё фондлари ва бошқа қатор ҳалқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари билан яхши йўлга қўйилган. Бундай ҳамкорлик асосан биргаликда семинарлар ва конференциялар ташкил этиш, қонун лойиҳаларини экспертиза қилишга чет эл экспертларини жалб этишга кўмаклашиш, институт кутубхонасини янги адабиётлар билан тўлдиришга ёрдамлашиш ва бошқа шаклларда амалга оширилмоқда.

2003 йилда институт Россия Федерацияси Ҳукумати хузуридаги Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти, Украина Олий Радаси Қонун ҳужжатлари институти ҳамда бошқа қатор илмий ва ўқув марказлари билан илмий ҳамкорликни давом эттириди.

Инсон ҳуқуqlари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирилди воситасини барпо этиш, ҳалқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва ахолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократиялашни қўллаб-қувватлаш Дастури»га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги Фармонига биноан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ташкил этилди. Марказ директори бир вактнинг ўзида Жамоатчилик фикрини урганиш маркази директори ҳамдир¹.

Кўйидагилар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг асосий вазифалари деб белгиланган:

- миллий харакат режасини, шунингдек Конституция, Қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган ҳалқаро ҳуқук меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чикиш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

¹ Каранг: Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизими. – Тошкент. 1997. 31-б.

- Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маъruzалар тайёрлаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш;

- давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида тахсил бериш, тарғибот, ўкув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;

- давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;

- инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагича белгиланган:

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолият миллий дастурини ишлаб чиқиши орқали давлат ва жамоат ташкилотларининг илмий-тадқиқот, таълим ва маърифий фаолиятларини мувофиқлаштириш;

2. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари миллий концепцияси асосида ҳуқуқий давлат миллий мағкурасини шакллантириш;

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эълон қилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча меъёрий хужжатларни босқичмабосқич қабул қилиш орқали Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига киришнинг самарали механизмини яратиш¹.

Инсон ҳуқуқларини химоя килишга каратилган миллий институт ҳозирги кунда энг талабчан демократия, фуқаролар-

¹ Каранг: Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг миллий фаолият дастури. – Тошкент: 1997. 12-б.

нинг эркинликларини таъминлашга қаратилган инсонпарварлик, адолатни юзага келтирувчи институтдир. Унинг мавжуд бўлиши ҳозирги замон талаби. Мазкур институтнинг самарали фаолият юритиши учун фуқароларнинг хукуқий онги ва маданиятини янада ошириш зарур.

24-схема

Инсон хукуклари бўйича миллий институтларнинг функциялари

инсон хукуклари соҳасидаги ҳалқаро ҳужжатларни ратификация қисми тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиша иштирок этиш, инсон хукуклари соҳасидаги хисоботларни ишлаб чиқиша, конунларни такомиллаштириша хукуматга ёрдам бериш


инсон хукуклари бузилиши фактларини аниклаштириш. Бу инсон хукуклари соҳасидаги юзага келган муаммонинг тез ва тўла ҳал этилишига олиб келади. Институтларга тергов ўтказишнинг аниқ механизми зарур бўлиб, бунга далилларни йигиш ваколати, ҳужжатлар билан эркин танишиш, мансабдор шахсларни, гувохларни сўрок қилиш инсон хукук-ларини бузувчи суд иш юритувларида катнашиш хукуклари киради

инсон хукуклари соҳасида таълим ва маълумот маркази сифатида, инсон хукуклари соҳасида илмий ва ўкув дастурларини ишлаб чиқиша ҳамда ушбу дастурларни хаётга татбик этишда иштирок этиш

инсон хукуклари соҳасидаги конунбузарликларга карши қурашнинг жамоат тергови шаклини олиб бориш

Омбудсман фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

- вакилнинг хуқук ва мажбуриятлари қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланганлиги
- вакилнинг мустакил фаолият юритиши билан бирга қонун чиқарувчи ҳокимият олдида хисобот бериши
- вакил давлат органларининг ноконуний харакатлари устидан шикоят қилиб, топталган ҳақ-хуқуклари тиклапишида ёрдам сўраб мурожаат этган фукароларни қабул килиши ва тегишли қарор чиқариши
- вакил мустакил шахс бўлиб, келиб тушган ариза ва шикоятлар бўйича ўзининг хохиш-иродаси ва қонунга асосан харакат қиласи, органларга тақдимнома киритиб, хисоботлар тақдим қиласи
- парламент муддати давомида ўз фаолиятини муваққат олиб боради



**Вакилнинг шикоятларни кўриб чиқиш
чоғидаги хукуқлари**

аникланниши лозим бўлган ҳолатларни текширишда қўмаклашиши
сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш

ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш

ташкилотлар ва мансабдор шахслардан хужжатлар, материаллар ва
бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш

mansabдор шахслардан тушунтиришлар олиш

аникланниши лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар ва
мутахассисларга хulosалар тайёrlашни топшириш

инсон хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларига дахлдор исалалар
юзасидан ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан ўтказлаётган
текширишларда иштирок этиш

ушлаб турилган ёки камокда сакланаётган шахс билан учрашув ва
сухбатлар ўтказиш

харакатларида инсон хукуклари ва эркинликлари бузилганилиги
аникланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли
органдарга илтимоснома билан кириш

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги
институтининг асосий вазифа ва функциялари**

қонун лойихаларини ҳар томонлама ҳуқукий экспертизадан ўтказиш, қонун ҳужжатларининг лойихаларини кўриб чикиш ва қабул килишининг барча боскичларида чукур асосланган эксперт баҳолари ҳамда хулосаларини тайёрлаш

мамлакатни ислоҳ килиш ва янгилашнинг ҳуқукий базаси таомиллаштирилишини тизимли тахлил этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияний суди билан ҳамкорликда қонув ҳужжатларининг лойихаларини кўриб чикиш ва унинг ўтиши борасида қонуда белгиланган тартиб ҳамда таомилларга риоя этиш бўйича таклифлар тайёрлаш

қонунларда, меъёрий-ҳуқукий ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг меъёр ва қоидлари тўлиқ рўёбга чиқарилиши ҳамда уларнинг кўлланиши, шунингдек қабул килинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқукий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслилиги ва ўйгунилиги мониторингини олиб бориш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг ҳалкаро меъёр ва стандартларга мувофиқлигини ўрганиш, қонунларнинг лойихаларида умумэътироф этилган ҳалкаро ҳукук, инсон ҳукуклари ва эркипларни тамойиллари ҳамда нормалари устуворлигига риоя этилишини тахлил килиш

хорижий парламентлар, айнан шундай қонун ҳужжатлари мониторинги институтларининг иш тажрибасини ўрганиш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятида ана шу тажрибадан фойдаланиш бўйича тавсияномалар бериш

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказининг асосий вазифалари**

- миллий ҳаракат режасини, шунингдек Конституция, конунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумътироф этилган ҳалкаро ҳуқук меъёрлари кондаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чикиш
- инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ҳалкаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш
- Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларни мухофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш
- давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва мухофаза килиш соҳасида таҳсил бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофикалаштириш
- Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг аҳборот базасини барпо этиш
- давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни мухофаза килиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар бериш
- инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва мухофаза қилишининг турли жihatлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш

МАЪРУЗАЛАРНИ ҮРГАНИШ ЮЗАСИДАН САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Савол: Ўзбекистон Республикасида сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатларини санаб беринг?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сиёсий партиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (1996 йил 26 декабрь), «Ўзбекистон Республикасининг Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуни (2004 йил 30 апрель), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни (2007 йил 11 апрель)

Савол: Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги қўшимча ва ўзгартишларни айтиб беринг?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси аъзолари сони 150 нафарга кўпайтирилди; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар курсатиш ҳуқуқига факат сиёсий партиялар эга бўлди; сайловчилар ташаббускор гурухлари чиқарив ташланди; Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар курсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишида иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳакли бўлди; Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати худудий бир муддатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов хукуки асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланса, Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик харакатидан сайланиши белгиланди.

Савол: Қандай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўртасида келишув комиссияси тузилиши мумкин?

Жавоб: Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Конунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда куриб чикилиши керак.

Савол: «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тұғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Конунига күра, сиёсий партия фракциялари қачон үзини мухолифат деб эълон қилиши мумкин?

Жавоб: Янгитдан шакллантирилган хукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар үзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Савол: Фракция деганда нимани тушунасиз? Уни тузиш тартиби қандай?

Жавоб: Сиёсий партия фракцияси сиёсий партиядан курсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Фракция тузиш учун камида хар бир сиёсий партия 9 нафар депутатга эга бўлиши керак.

Савол: Узбекистон Республикаси экологик ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасидаги ўз вакилларини қандай тартибда шакллантиради?

Жавоб: Узбекистон экологик ҳаракатидан Конунчилик палатасининг ўн беш депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси бел-

гилайдиган муддатларда сайланади. Узбекистон экологик ҳаракатидан Конунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Узбекистон экологик ҳаракатидан Конунчилик палатасига депутатлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиқ ҳамда ошкорга амалга оширилади.

Савол: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси Спикерини сайлаш тартиби қандай?

Жавоб: Конунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринbosарларини сайлаш учун депутатлар орасидан кўпи билан ўн беш кишидан иборат Оқсоқоллар кенгashi тузилади, Конунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринbosарлари сайлангач, мазкур кенгашнинг ваколатлари тугайди. Конунчилик палатаси Спикери лавозимига номзод Конунчилик палатаси мажлисида раислик қилувчи ёки Оқсоқоллар кенгашининг вакили томонидан тақдим этилади. Конунчилик палатаси Спикери лавозимига номзод депутатларнинг саволларига жавоб бериши учун 30 дақиқагача вақт ажратиласди. Конунчилик палатаси мажлисида номзодни мухокама қилиш учун 20 дақиқагача вақт ажратиласди. Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида депутатлар умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Конунчилик палатасининг Спикери этиб сайланган ҳисобланади.

Савол: Узбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Раисини сайлаш тартиби қандай?

Жавоб: Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси Узбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Сенат аъзолари орасидан сайланади.

Савол: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби қандай?

Жавоб: Узбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартышлар тегишинча Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчи-

лиги томонидан қабул қилинган конун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган қўшимча ва ўзгартишларни санаб беринг?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрь Конунига мувофиқ Конституциянинг 76-моддасига, 2002 йил 27 январда үтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда у асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги Конунига мувофиқ XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги Конуни билан 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь Конунига мувофиқ XVIII бобига қўшимча, ўзгартиш ва тузатишлар киритилган.

Савол: Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти органлари тизимини санаб беринг?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Савол: «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг асосий мақсади нималардан иборат? Одам савдоси деганда нимани тушунасиз?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши Курашиш чора-тадбирларини янада кучайтириш, инсон хуқук ва эркинликлари олий кадрият эканлигининг амалдаги исботидир. Одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш

ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдов, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш.

Савол: Референдум нима?

Жавоб: Референдум (лот. referendum – етказилиши, билдирилиши лозим бўлган хабар) – жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини умумхалқ овозига қўйиш.

Савол: Ўзбекистон Республикасида ҳалқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг қандай шакллари мавжуд?

Жавоб: Икки хил: бевосита (референдум, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши) ва вакиллар (сайлов) орқали.

Савол: Ҳуқуқий кафолат деганда нимани тушунасиз?

Жавоб: Ҳуқуқий кафолат деганда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий нормалар асосида таъминлашга қаратилган воситалар йиғиндиси тушунилади. Турлари: Конституциявий кафолат, суд кафолати, омбудсман кафолати.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Конунчилик палатасига сайлов ўtkазишнинг асосий принципларига нималар киради?

Жавоб: Умумий сайлов ҳуқуқи – Конунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийdir. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Конунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Тенг сайлов ҳуқуки – Хар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга.

Тұғридан-тұғри сайлов ҳуқуқи – Қонунчилік палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар.

Яширин овоз бериш – Қонунчилік палатаси депутатлари сайловида әркін ва яширин овоз берилади. Овоз берувчи-ларнинг хоҳиши-иродаси назорат қилинишига йүл құйилмайды.

Савол: Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан түшгандык шикоятларни күриб чиқиши тартиби қандай?

Жаңоб: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тұғрисида»ғи Қонуннинг 18-моддасынан күра, депутатликка номзодлар күрсатған сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин үн кун ичиде юқори сайлов комиссиясынан ёки судга шикоят қилишлари мүмкін. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин үн кун ичиде Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мүмкін. Шикоят келиб түшганидан кейин уч кун ичиде, сайловға олти кундан кам вақт қолганда эса, дархол күриб чиқилиши керак.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бүйіча вакилинин сайлаш тартиби қандай?

Жаңоб: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг Инсон ҳуқуқлари бүйіча вакили (омбудсман) тұғрисида»ғи 2004 йил 27 август Қонуни З-моддасынан күра, вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг Қонунчилік палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатта сайланади. Вакил лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг палаталари күриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенті томонидан киритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилік палатасининг ва Сенатининг вакилни сайлаш тұғрисидаги қарори палаталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг Қонунчилік палатаси депутатлари хамда Сенати аъзолари умумий сонининг күпчилик овози билан қабул қилинади.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили қандай ҳуқуқларга эга?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги 2004 йил 27 август Конунига кўра, вакил қўйидаги ҳуқуқларга эга:

шикоятни кўриб чиқиш;

арз қилувчи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шаклларни кўрсатиш;

шикоятни унинг мохиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юбориш;

арз қилувчини унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, карорлар ва бошқа материаллар билан таништириш;

сабабини албатта кўрсатган холда шикоятни кўриб чиқишни рад этиш;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни кўриш.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан шикоятларни кўриб чиқиш тартиби қандай?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги 2004 йил 27 август Конуни 10-моддасига кўра, вакил томонидан шикоятларни кўриб чиқиш. Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузაётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг харакатлари ёхуд харакатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва у ўз текширувани ўтказиш ҳуқуқига эга.

Вакил учинчи шахсларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян бир киши ёки бир гурух шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаат-

лари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун, башарти, уларнинг бунга розилиги бўлса, қабул қиласди. Вакил суднинг ваколат доирасига кирадиган масалаларни кўриб чиқмайди.

Савол: Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар қандай талабларга жавоб бериши керак?

Жавоб: «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тұғрисида»ги 2004 йил 29 апрель Конунининг 15-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли булиши ва сайлов куни тегишли худудда доимий яшаб турган булиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, хаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга булиши керак. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланыётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан шикоятларни кўриб чиқиш шартлари қандай?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тұғрисида»ги 2004 йил 27 август Конуни 11-моддасига кўра, вакил томонидан шикоятларни кўриб чиқиш шартлари. Вакил арз қилувчига ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан ёки арз қилувчи, агар у ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қаноатланмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган охирги қарордан хабар топган пайтдан эътиборан бир йил давомида берилган шикоятларни кўриб чиқади.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига бериладиган шикоятлар мазмуни қандай бўлиши лозим?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунига кўра, шикоятларнинг мазмуни вакилга берилган шикоятда арз қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили, харатклари ёки харакатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкilotнинг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган, арз қилувчининг фикрича, унинг ҳуқуқларини бузган харакатларнинг ёки харакатсизликнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Шикоятга арз қилувчининг талабларини тасдиқловчи хужжатлар ва бошқа далиллар илова қилинади. Вакилга берилган шикоят учун давлат божи ундирилмайди.

Савол: Фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиш ҳуқуқи қандай кафолатланган?

Жавоб: Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиши ихтиёрий ҳамда эркиндир. Фуқароларга уларни сайловида иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида, шунингдек уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким хақли эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ун саккиз ёшга тўлган фуқаролар эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмас. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Савол: Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиша ошкоралик қандай таъминланади?

Жавоб: Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган холларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якунларидан воқиғ қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёнини ҳамда сайлов қандай ўтаётганигини ёритиб боради.

Савол: **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига сайловда сайлов округларини тузиш тартиби қандай?**

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конунига кўра, Конунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун бир юз ўттиз бешта худудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади.

Конунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари (бундан буён матнда сайлов округлари деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-худудий тузилишини инобатга олган холда белгиланади.

Сайлов округлари, коида тарикасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида сайловчилар сони тенг холда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайловга камида етмиш беш кун қолганида эълон қиласди.

Савол: Фуқаролар қандай ҳолларда Судга шикоят билан мурожаат қилиш хукукига эга?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг хукуклари ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги 1995 йил 30 август Конуни 1-моддасига кўра, ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-харакатлари (карорлари) билан ўз хукуклари ёки эркинликлари бузилган деб хисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш хукукига эга.

Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари ва битимларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, чет эллик фуқаролар ушбу Конунда белгиланган тартибда судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Конунга мувофик судга шикоят билан мурожаат қилиш хукукига эгадирлар.

Савол: Фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари бузилганда судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатлари қандай?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг хукуклари ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Конуни 6-моддасига кўра, судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қўйидаги муддатлар белгиланади:

фуқаро ўз хукуклари ва эркинликлари бузилганинига хабар топган кундан бошлаб уч ой;

фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой;

агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой.

Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

Савол: Ўзбекистон Республикасида Фуқароларнинг мурожаатларининг қандай турлари мавжуд?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 2002 йил 13 декабрь Конуни 5-моддасига кўра, фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Ариза – фуқароларнинг ўз хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Таклиф – фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир.

Шикоят – фуқароларнинг бузилган хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир.

Савол: Фуқароларнинг мурожаатларига қўйиладиган талаблар қандай?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 2002 йил 13 декабрь Конуни 6-моддасига кўра, мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзib берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзив қўйилади.

Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у хақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб хисобланади ва кўриб чиқилмайди.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиласынан бұлсак, сүнгги йилларда мамлакатимизда суд-хуқук тизимида амалға оширилған туб ислоҳотларда асосий әътибор инсон, унинг хуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратылмоқда.

Биргина, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясими ўрганишни ташкил этиш тұғрисида»ги Фармойиши билан Ўзбекистон Конституциясимиң жамиятдаги үрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг хуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш, шунингдек Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш вазифалари белгилаб берилди.

Фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини яна да юксалтириш, ёшларнинг хуқуқ соҳасига бұлған қизиқишлигини ошириш, уларни хуқуқий жиҳатдан етук ва баркамол авлод этиб тарбиялаш максадида 2009 йил Адлия вазирлиги хузурида «Ёшларга – ёшларча» хуқуқни тарғиб қилиш, уни тушунтириш максадида ёш хуқуқшунослардан иборат «Хуқуқий тарғибот гурухи» ташкил этилди.

Ушбу гурұх мамлакатимизнинг олис худудларыда жойлашған хуқуқ фанига ихтисослаштирилмаган мактаб, коллеж ҳамда академик лицей үқувчиларининг хуқуқий саводхонлигини юксалтиришни үз олдига максад қилған. Тарғибот тадбирлари давомида ёш хуқуқшунослар факатгина бир мавзу доирасида сұхбаттар олиб бормасдан, балки Юртбошимизнинг 2010 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг Күшма Мажлисида сұзлаган нутки, қолаверса мамлакатимиз Конституциясимиң мазмун-моҳиятини кенг ва атрофика тушунтириб бермоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2008–2009 йилларда суд-хуқуқ тизимида олиб борилған туб ислоҳотлар: үлім жазосининг бекор қилиниши, одам савдосига қарши курашнинг хуқуқий асослари, фуқаролар мурожаатларининг хуқуқий жиҳатлари, сайлов қонунчилигига киритилған құшимча ва үзгартышлар, ёшларда солиқ маданияти-

ни юксалтириш, экология маданияти ва бошқа қонун, қонуности меъёрий ҳужжатларига мурожаат этилмоқда.

Хозирги кунга қадар ушбу гурӯҳ аъзолари республикамизнинг 70 га яқин олис туман ва қишлоқларида хуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этиб, салкам 62 мингдан зиёд ёшларнинг хуқуқий саводхонлигини янада юксалтиришга ҳаракат қилдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббусига кўра, 2009–2010 йилларда хуқуқшуносликка ихтисослашмаган қасб-хунар коллажлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Хуқук билимдонлари» кўрик-танлови орқали ҳам минглаб ёшларнинг хуқуқий билимларини кучайтиришга ҳаракат қилинди.

Олиб борилган хуқуқий тарғибот тадбирлари ёшларимизнинг хуқуқий билимларини мустаҳкамлашда қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда:

Биринчидан, «ёшларга-ёшларча муносабат» шиори остида хуқуқшуносликка ихтисослашган олий ўқув юртлари талабалари иштирокида мактаб, коллаж ҳамда олий таълим муассасаларида тарғибот-ташвиқот ишларини замонавий педагогик усулларни қўллаган ҳолда ташкил этиш;

Иккинчидан, мактаб, коллаж ҳамда академик лицейларда доимий «Адлия соатлари»ни ташкил этиш ва мазкур соатларда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бориш;

Учинчидан, хуқук фанига ихтисослашмаган ўрта таълим муассасаларида хуқуқий саводхонликни оширувчи кўрик танловларни ташкил этиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ёшларимизда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни янада юксалтириш хозирги куннинг долзарб масалаларидан бири хисобланади.

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи	3
Ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг аҳамияти	7
Конституция – изчил ҳуқуқий ислоҳотлар асоси	18
Фуқаролар сиёсий ҳукукларининг конституциявий асослари	39
Ёшларда солиқ маданиятини юксалтиришнинг ўзига хос жиҳатлари	52
Одамлар савдоси (траффиги) билан боғлиқ халқаро жиноятчилик, унинг хусусиятлари ва шакллари	60
Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари	76
Ўзбекистон Республикасида инсон ҳукуклари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари	91
Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳукуклари бўйича миллий институтлари	102
Маърузаларни ўрганиш юзасидан савол-жавоблар	120
Хулоса	132

Қайдлар учун:

— оның түркі мәдениетін
жөндеудегі маңыздылығы

— оның мемлекеттік мәдениеттегі
жөндеудегі маңыздылығы

ҲУҚУКИЙ ЕТУКЛИК — БАРКАМОЛЛИККА ЭЛТАДИ

Ўзбек тилида

Масъул мухаррир: *T. Тураев*
Мухаррирлар: *A. Омонов,*
Г. Ортиқхўжаева
Техник мухаррир: *A. Аҳмедов*
Компьютерда
саҳифаловчи: *Ш. Расулов*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги «Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. AI №133, 14.03.09.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41-й.

Босишига руҳсат этилди 11.03.2011 й.
Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ «AntiquaUz» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоби 8,5.
Нашриёт хисоб табоби 7,0. Адади 10 000 нусха.
52-буюртма. Нархи шартнома асосида.

**«КО'HI-NUR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Машинасозлар мавзеси, 4-үй.**



ISBN 978-9943-394-11-7

A standard linear barcode is positioned vertically in the center of a white rectangular box. The ISBN number "978-9943-394-11-7" is printed horizontally below the barcode.